

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Тошкент ислом университети

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 2(092)+37

Абдуллаева Мохира Захиджановна

**МУҲАММАД СОДИҚ КОШҒАРИЙНИНГ “ОДОБ АС-СОЛИҲИН”
АСАРИДА АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИНГ ТАСНИФИ**

Мутахассислик: 5А 220403 – Диншунослик

Магистр академик даражасини олиш учун
ёзилган диссертация

Илмий раҳбар: т.ф.н. Алимова М.

ТОШКЕНТ - 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. МУҲАММАД СОДИҚ КОШҒАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНING	
ТАҲЛИЛИ.....	8
1.1. Олимнинг ҳаёти ва асарларининг ўрганилиши.....	8
1.2. Ахлоқ-одобга оид асарларда ахлоқ масалаларининг ёритилиши.....	17
1.3. Асарнинг таркибий таҳлили.....	27
II БОБ. “ОДОБ АС-СОЛИҲИН” АСАРИДА АКС ЭТГАН АХЛОҚИЙ	
МЕЗОНЛАР.....	36
2.1. Асарда келтирилган қоидаларнинг манбавий асослари.....	36
2.2. Китобдаги тасаввуф тариқатларига оид ахлоқ қоидалари.....	51
2.3. Оиладаги ахлоқий қоидаларнинг таснифи.....	57
ХУЛОСА.....	66
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	70
ИЛОВАЛАР.....	75

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида республикамызда маданий мерос, ўтмиш алломалар ижодини ўрганиш, миллий қадриятларни тиклашга катта эътибор берилмоқда. Халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий, маданий ва илмий ҳаётини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун қулай имкониятлар яратилди. Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислохотларнинг амалга оширилиши баробарида миллий ўзликни англаш, маънавий бой тарихимизни ўрганиш ва тадқиқ этиш жараёнини изчил давом эттиришда буюк аجدодларимизнинг асрлар давомида тўплаган бебаҳо маданий мероси, маънавий қадриятлари миллий маданиятимиз ва миллий истиқлол мафкурамызнинг шаклланиши ва ривожланишига бевосита таъсир этмоқда. Халқимиз ва миллатимизнинг ўтмишдаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришга катта аҳамият берилди ¹.

Халқимиз маънавий-ахлоқий ҳаётининг мезони ва негизларидан бири бўлиб келган ҳамда кишиларни комиллик даражасига етказишга хизмат қиладиган асарларни ўрганиб, улардаги илмий янгиликларни содда ва таъсирчан усулда ёритиб бериш долзарб бўлиб қолмоқда. Шундай тарихий манбалардан бири Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асаридир. Тарихий манбаларда Муҳаммад Содик Қошғарийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар деярли аниқланмаган. Муҳаммад Содик Қошғарий ва унинг илмий меросига бўлган кенг қамровли ёндашувлар, ёзиб қолдирган манбалари ва унда келтирилган маълумотларнинг қимматлилиги олимнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш долзарблик даражасини янада оширади. Хусусан, олимнинг “Одоб ас-солиҳин” асари Шарқ халқлари одоб нормаларини ёритган дидактик адабиётлар қаторидан ўрин олганлиги, унинг ёш авлоднинг ахлоқан етук бўлиб тарбияланишида ҳамда халқимиз орасида

¹ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 98.

унут бўлаётган миллий-диний қадриятларни тиклашда амалга ошириладиган тадқиқотларда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тадқиқотнинг аҳамияти ва долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, мамлакатимиз маънавий ҳаётининг салмоқли жиҳатини акс эттирган панднома жанридаги адабиётларни илмий тадқиқ этиш, хусусан XIX аср бошларидаги “Одоб ас-солиҳин” асарини ўрганиш, тарихни холисона ёритиш жараёнида ўзига хос аҳамият касб этади.

Иккинчидан, Муҳаммад Содик Қошғарийнинг ёзма меросларини изчил тадқиқ этиш ахлоқшунослик, тарих, адабиёт ҳамда тасаввуф тарихини ўрганишда янги босқичга олиб чиқувчи беназир илмий аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асарини ўзига хос жиҳатлари манбалар асосида очиб бериб, ундаги ахлоқ мезонларини тасниф қилиниши ҳам ишнинг долзарблигини кўрсатиб беради.

Учинчидан, бугунги мураккаб ва шиддатли замонда ривожланаётган давлатлар, жумладан, юртимизга нисбатан муайян сиёсий марказлар томонидан турли хил мафкуравий, информацион воситалардан усталик билан фойдаланган ҳолда таъсир ўтказиш, ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ёшларимизни танлаган йўлидан оғдириш, уларнинг қалбига биз учун мутлақо бегона ва зарарли бўлган қарашларни сингдириш, маънавий илдиз ва томирларимиздан жудо қилишдек ғаразли интилишлар яширинган бир вақтда одоб-ахлоқ қоидаларининг инсонлар ҳаётида, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти каттадир².

Муҳаммад Содик Қошғарий қолдирган ёзма асарлари нафақат ахлоқ, адабиёт, тасаввуф, балки бутун бир минтақа тарихини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Зеро, олим асарларидаги мавзуларнинг долзарблиги билан нафақат ўз даври, балки ҳозирги давр учун ҳам муҳим манба ҳисобланади.

² Қаранг: Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 6.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг ҳаёти ва илмий мероси бўйича хорижлик олимлардан Р.Б.Шоу³, Н.Элиас⁴, Н.Ликошин⁵, М.Хартманлар⁶ олимнинг илмий меросини алоҳида тадқиқот доирасида ўрганиб, кенг оммага етказиб берганлар. XX асрнинг 50-60-йилларида мазкур мавзуга бўлган қизиқиш янада кучайди. Бу борада Муҳаммад Содикнинг асарларидан А.А.Семёнов⁷, В.В.Бартольд⁸, Ч.Валихонов⁹, Л.И.Думан¹⁰, М.А.Салоҳиддинова¹¹, М.Кутлуковлар¹² тарихий манба сифатида фойдаланганлар.

1990 йиллар бошларида олимнинг меросининг тадқиқ этиш ишларини И.Саидахмедова, М.Юнусхўжаева, Г.Остонова каби тадқиқотчилар ҳаммуаллифликда¹³, М.Ҳасаний¹⁴, К.Ҳошимов¹⁵, О.Жалилов, Р.Сафаров¹⁶, А.А.Байдунов¹⁷ алоҳида тадқиқот доирасида давом эттирганлар.

Замонавий француз тадқиқотчиларидан бири Александр Папас XVII асрда Шарқий Туркистондаги Офок хожа эшонлиги тарихига бағишланган изланишлари доирасида Қошғарийнинг “Тазкираи Азизон” асарида келтирилган маълумотлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтган¹⁸.

³ The History of the Khojas of Eastern Turkistan summarized from the Tazkira-I Khwajagan of Muhammad Sadiq Kashgari by late Robert Barkley Shaw edited with introduction and notes by N.Elias. Supplement to the journal of the Asiatic Society of Bengal. LXVI, I. – Calcutta, 1897.

⁴ Кляшторный С.Г., Колесников А.А., Басханов М.К. Восточный Туркестан глазами европейских путешественников. – Алма-Ата. 1991. – С. 38.

⁵ Лыкошин Н. Кодекс приличий на мусульманском востоке. Т.: 1895.

⁶ M.Hartmann. Ein Heiligenstaat im Islam. Das Ende der Cagataiden und die Herrschaft der Chogas in Kasgarien. Der Islamische Orient. VI-X. – Berlin, 1905.

⁷ Семёнов А.А. Указатель персидской литературы по истории узбеков в Средней Азии. – Т.: 1926. – С. 15.

⁸ Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан // Сочинения. Т.VIII. – М.: 1973. – С. 173-174.

⁹ Хасанов К. Чокан Валиханов как уйгуровед. – Алма-Ата. 1963. – С. 54.

¹⁰ Асар “Аграрная политика Цинского (Манжурского) правительства в Синьцзяне в конце XVIII века”

¹¹ Кутлуков М. Муҳаммад Содик Қошғарий. – Т.: Ўзбекистон, 1968. – Б. 9.; Салоҳитдинова М.А. Сочинение Мухаммад Садыка Кашгари «Тазкираи ходжаган» – как источник по истории киргизов». Известия АН Кирг. Т. I. 1959. – С. 93-125.

¹² Кутлуков М. Муҳаммад Содик Қошғарий. – Т.: Ўзбекистон, 1968.

¹³ Саидахмедова И.А., Юнусходжаева М.Ю., Астанова Г.Ю. Агиографические сочинения как источник для изучения духовной и политической жизни Восточного Туркестана // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XIX вв. – Т.: Фан, 1987. – С. 149-162.

¹⁴ Қаранг: Ҳасанов М., Содиков У. Яхши кишилар одоби // Шарқ юлдузи. Тошкент, 1990. №5. – Б. 90.

¹⁵ Ҳошимов К., Нишонов С., Педагогика тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1996.

¹⁶ Қаранг: Сафаров Р. Правила хорошего тона. – Т.: Правда Востока, 1993. – С. 73-98.

¹⁷ Қаранг: Байдунов А.А. XIX аср уйғур тараққийпарвар мутафаккирларининг ахлокий қарашлари. фал. ф.н. Душанба. 1990.

¹⁸ Папас А. Хонликлар ва халифат томон: XVII асрда Шарқий Туркистондаги Офок хожа эшонлиги.

Юқорида келтирилганлардан маълум бўладики, Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асари ҳамда ундаги ахлоқ мезонларнинг таснифи диншунослик ихтисослиги доирасида алоҳида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг мақсади Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асаридаги ахлоқий мезонлар таснифини очиб беришдан иборат. Ишнинг мақсадига эришиш учун қўйидаги вазифалар белгиланди:

- Муҳаммад Содик Қошғарийнинг ҳаёти ва илмий меросига оид маълумотларни таҳлил қилиш;
- “Одоб ас-солиҳин”нинг панднома асарлар сирасида тутган ўрнини ва аҳамиятини очиб бериш;
- асарда келтирилган қоидаларнинг ахлоқий мазмун-моҳияти ва таркибий тузилишини илмий асослаш;
- “Одоб ас-солиҳин”нинг манбавий асосларини кўрсатиб бериш;
- асарда акс этган тасаввуфий одоб ва ахлоқ қоидаларини ёритиш;
- манбада келтирилган оилавий муносабатлардаги ахлоқий қоидаларни таснифлаш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асари ишнинг объекти, асардаги ахлоқий мезонларнинг таснифи тадқиқотнинг предмети қилиб олинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- Муҳаммад Содик Қошғарий ҳаёти ва асарларининг ўрганилиши комплекс тарзда илмий таҳлил қилинди;
- “Одоб ас-солиҳин” асаридаги ахлоқ мезонлари илк бор тасаввуфий ва оилавий одоб-ахлоқ қоидалари сифатида таснифланиб ўрганилди;
- “Одоб ас-солиҳин” асари кирилл алифбосида тўлиқ таъдил қилиниб, нашр этилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясидаги хулоса ва тавсиялардан республика олий ўқув юртларида ўтиладиган “Диншунослик”, “Ахлоқшунослик”, “Маънавият асослари” каби

фанлар ҳамда “Марказий Осиё халқлари этикаси тарихи”, “Этика тарихидан” каби курсларни ўқитишда, шунингдек, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ҳамда келгусида ислом тарихи ва манбашунослиги соҳасида амалга ошириладиган тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация асосий мазмуни магистр томонидан чоп этилган 5 та мақола ва 1 та рисолада акс этган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, икки боб, олти банд, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

I-БОБ. МУҲАММАД СОДИҚ ҚОШҒАРИЙНИНГИЛМИЙ МЕРОСИ ТАҲЛИЛИ

1.1. Олимнинг ҳаёти ва асарларининг ўрганилиши

Муҳаммад Содик Қошғарий 1725 йилда Қошғарда Мулла Шох Аълам Охунд оиласида таваллуд топган¹⁹. Қошғарий ўз даврининг йирик файласуф олими, тарихчиси, адиби ва таржимонидир. Тарихий манбаларда Муҳаммад Содик Қошғарийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар деярли аниқланмаган бўлиб, тадқиқот давомида қўлга киритилган айрим фактлардан қуйидагиларни аниқлашга эришилди. Қошғарий бошланғич таълимни отаси Мулла Шох Аълам Охунддан олган, сўнг Қошғардаги машҳур Ҳомидия мадрасасида таълим олишни давом эттирган. Мадрасада араб, форс тиллари, математика, адабиёт, тарих, география ва диний илмларни мукамал эгаллаб, замонасининг кўзга кўринган олими даражасига эришган. Муҳаммад Содик Қошғарий устоз мақомига эришиб, мадрасаларнинг бирида муаллимлик қилган, аммо, айнан қайси мадрасаларда муаллимлик қилганилиги ҳақида маълумот манбаларда учрамайди. Қошғарий толибларга илм бериш баробарида, тинимсиз илмий изланишлар олиб бориб, илм-фан ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган.

Муҳаммад Содик Қошғарий сермахсул ижод қилиб, катта илмий мерос қолдирган. Манбаларда унинг “Тазкираи Азизон” (“Тазкираи хожагон”), “Зубдат ал-масойил”, “Тазкираи асҳоб ал-каҳф”, “Одоб ас-солиҳин”²⁰, “Қиёфат ал-башар”, “Рисола-и касбдор”²¹ каби асарлари ва “Искандарнома”, “Тожинома-и шоҳий”²², “Тарих ар-русул ва-л-мулук”²³, “Тарихи Рашидий”²⁴

¹⁹ Ҳасанов М., Содиков У. Яхши кишилар одоби // Шарқ юлдузи. - Тошкент, 1990. - № 5. - Б. 90.

²⁰ Қаранг: Кутлуков М. Муҳаммад Содик Қошғарий. - Т.: Ўзбекистон, 1968. - Б. 7.

²¹ Қаранг: Қазақстан тарихы туралы түркі деректемелері. Мұхаммед-Садық Қашғари. Тазкира-йи азизан. - Алма-Ата: Дайк-Пресс, 2006. Т. 4. - Б. 8-10.

²² Қаранг: Кутлуков М. Муҳаммад Содик Қошғарий. - Т.: Ўзбекистон, 1968. - Б. 7.

²³ Қаранг: Ахмедов Б.А. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. - Т.: Фан, 1988. - С. 5.

²⁴ Стори Ч.А. Персидская литература био-библиографический обзор. - М.: 1972. Т. 3. - С. 1204.

ва “Муножот”²⁵ каби асарларнинг таржималари ҳақида зикр этилади. Тарихчи М.Қутлуқовнинг фикрича, Муҳаммад Содик Қошғарийнинг тарих ва этикага оид асарларининг ўзиёқ ўн саккиздан зиёд бўлиб, таассуфки, уларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаган²⁶.

Муҳаммад Содик Қошғарий ҳассос таржимон сифатида ўз даврининг етук мутахассиси сифатида танилган. Ёркент ҳукмдори Мирза Муҳаммад Ҳусайн Ҳакимбек ибн Тожибек фармони билан “Тарих ар-русул ва-л-мулук” (“Тарихи Табарий”) асарини араб тилидан²⁷ туркийга ўгирган. Юнус Тожибек ибн Искандарбекнинг амрига мувофиқ “Тарихи Рашидий” асарини форс тилидан туркийга таржима қилган²⁸. Қошғарий “Тарихи Табарий” асарини таржима қилиш жараёнида “Мирнома”, “Қиссос ал-анбиё”, “Шоҳнома”, “Меърожнома”, “Равзат ас-сафо”, “Равзат ал-аҳбоб” китобларидан баъзи ривоятларни киритиб асарни янада бойитган. Тарихчи, манбашунос Ш.Зокиров ва М.Қутлуқовлар томонидан “Тарих ар-русул ва-л-мулук” асарининг араб тилидаги асл матни XVIII асрда Қошғарий томонидан туркий тилига қилинган таржимаси ҳамда Хоразмда XIX асрда қилинган ўзбек тилидаги²⁹ таржимаси ўзаро солиштирилган. Уларнинг хулосасига кўра, асл матнга туркий тилига қилинган таржима мувофиқдир³⁰. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида “Тарих ар-русул ва-л-мулук” асарининг адиб қаламига оид таржимаси сақланмоқда³¹.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг асарларида “Содиқо” таҳаллуси билан маҳорат билан битилган ғазал, рубоий, байтлар унинг шоир сифатида фаолият юритганига ишорадир. Муҳаммад Содикнинг шеърлари асосан

²⁵ Қаранг: Қазақстан тарихы туралы түркі деректемелері. Мұхаммед-Садық Қашғари. Тазкира-йи азизан. — Алма-Ата: Дайк-Пресс, 2006. Т. 4. — Б. 8-10.

²⁶ Қутлуқов М. Муҳаммад Содик Қошғарий. — Т.: Ўзбекистон, 1968. — Б. 7.

²⁷ Ахмедов Б.А. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. — Т.: Фан, 1988. — С. 5.

²⁸ Дмитриева Л.В., Мугинов А.Н., Муратов С.Н. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. — М.: Наука, 1965. Т.1. — С. 103.; Стори Ч.А. Персидская литература био-библиографический обзор. — М., 1972. Т. 3. — С. 1204.

²⁹ Асар ЎзРФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 1229-инвентар рақами остида сақланмоқда.

³⁰ Ахмедов Б.А. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. — Т.: Фан, 1988. — С. 5.

³¹ Қаранг: ЎзРФА Шарқшунослик институти инв. № 9470.

туркий тилда ёзилган бўлиб³², XVIII аср охири - XIX аср бошидаги эски ўзбек ва уйғур тилларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қила олади. Қошғарий шеърларининг бир қисми шарқшунос олим В.П.Юдин томонидан Олма-отада 1963 йилда “Асрлар садоси” тўпламида эълон қилинган.

Муҳаммад Содик Қошғарий 1849 йилда вафот этган³³. У Қошғарда Юсуф Хос Ҳожиб мақбараси ёнидаги қабристонга дафн этилган.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Тазкираи хожагон” асари тарихчи олимлар қайта-қайта мурожаат этадиган тарихий асар бўлиб, муҳим воқеаларни акс эттирганлиги билан тарихшуносликда катта илмий аҳамиятга эга. Бугунги кунда “Тазкираи хожагон” асарининг турли вақтларда кўчирилган 7 та нусхаси Россия Фанлар академиясининг қўлёзмалар фондида³⁴ ва битта нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда³⁵.

Тарихчи, манбашунос Б.Аҳмедов, М.Қутлуковларнинг фикрича, Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Тазкираи хожагон” асари Шарқий Туркистон ҳамда Марказий Осиёнинг ўрта асрлардаги тарихи ҳақида қимматли маълумот берувчи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий”, Бобурнинг “Бобурнома”, Маҳмуд ибн Валийнинг “Баҳр ал-асрор”, Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Бадриддин Кашмирийнинг “Равзат ар-ризвон”, Мирҳалиддин Ёркендийнинг “Ҳидоянома” каби асарлар қаторида қайд этиш мумкин³⁶. Қошғарий мазкур асарни 1768-69 йиллари Қашқар мадрасаларида таҳсил олаётган даврда ёзган³⁷.

“Тазкираи хожагон” Ёркент ҳукмдори Осмонбек топшириғига биноан ёзилган бўлиб, асар Шарқий Туркистондаги XVI асрдан 1758 йилгача бўлган тарихий воқеалар баён этилган бўлиб, ўша давр маънавий, сиёсий ҳаётини

³² Кутлуков М. Муҳаммад Содик Қошғарий. – Т.: Ўзбекистон, 1968. – Б. 11.

³³ Стори Ч.А Персидская литература био-библиографический обзор. – М., 1972. Т. 3. – С. 1204.

³⁴ Кутлуков М. Муҳаммад Содик Қошғарий. – Т.: Ўзбекистон, 1968. – Б. 14.

³⁵ Инвентар рақами 45.

³⁶ Аҳмедов Б.А., Кутлуков М.К. К выходу в свет “Хроники” шах Махмуда Чураса // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1978. - №1. – С. 60.

³⁷ Кутлуков М. Муҳаммад Содик Қошғарий. – Т.: Ўзбекистон, 1968. – Б. 3.

тўлиқ акс эттирган³⁸. Шунингдек, унда Шарқий Туркистон ҳукуматининг Марказий Осиё, Хитой, Жунғория ва бошқа минтақалар билан олиб борган сиёсий, маданий алоқалари билан бирга, хожаларнинг сулоалари ҳақида тарихий маълумотлар берилган. Жумладан, унда Нақшбандия-хожагон тариқатидаги Қошғар хожаларининг ҳаёти ва фаолиятига батафсил тўхталиб ўтилган³⁹.

“Тазкираи хожагон”ни машҳур тарихчи, олим ва сайёҳ Чўқон Валихонов Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарининг давоми деб ҳисоблаган ҳамда ундаги маълумотлардан ўзининг Қашқария тарихига бағишланган асарларида фойдаланган.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Тазкираи хожагон” асари илмий мавқеининг юқорилиги Ғарбий Европа илмий адабиётида ҳам мазкур асардаги маълумотларга мурожаат этилиши ҳам кўрсатади. Асарни 1872 йилда Қироллик география жамиятининг олтин медалига сазовор бўлган машҳур британиялик сайёҳ Р.Б.Шоу инглиз тилига таржима қилган⁴⁰. 1897 йилда инглиз шарқшуноси Н.Элиас томонидан Ҳиндистонда Қошғарийнинг “Тазкираи хожагон” асарининг қисқартирилган шакли нашр этирилган⁴¹ бўлиб, мазкур маълумотлар Р.Шоу томонидан қилинган таржима асосида тайёрланган.

Немис олими М.Хартман “Тазкираи хожагон”ни атрофлича шарҳлаган⁴². Ҳозирда ҳам Ғарб олимлари томонидан мазкур тарихий асарга қизиқиш катта, жумладан, француз тарихчиси Александр Папас ўзининг “Хонликлар ва халифат томон: XVII асрда Шарқий Туркистондаги Офок

³⁸ Хасанов К. Чокан Валиханов как уйгуровед. – Алма-Ата, 1963. – С. 54.

³⁹ Саидахмедова И.А., Юнусходжаева М.Ю., Астанова Г.Ю. Агиографические сочинения как источник для изучения духовной и политической жизни Восточного Туркестана // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XIX вв. – Т.: Фан, 1987. – С. 158.

⁴⁰ Кляшторный С.Г., Колесников А.А., Басханов М.К. Восточный Туркестан глазами европейских путешественников. – Алма-Ата, 1991. – С. 38.

⁴¹ The History of the Khojas of Eastern Turkistan summarized from the Tazkira-I Khwajagan of Muhammad Sadiq Kashgari by late Robert Barkley Shaw edited with introduction and notes by N.Elias. Supplement to the journal of the Asiatic Society of Bengal. LXVI, I. – Calcutta, 1897.

⁴² M.Hartmann. Ein Heiligenstaat im Islam. Das Ende der Cagataiden und die Herrschaft der Chogas in Kasgarien. Der Islamische Orient. VI-X. – Berlin, 1905.

хожа эшонлиги” номли тадқиқотида Қошғарийнинг “Тазкирай Азизон” асаридаги маълумотлардан фойдаланган.

Рус шарқшунос олимлари ҳам бу асарни ўз тадқиқотларида манба сифатида келтирганлар. Л.И.Думан ўзининг “Аграрная политика Цинского (Манжурского) правительства в Синьцзяне в конце XVIII века” номли китобида “Тазкирай хожагон”да келтирилган маълумотлардан фойдаланган.

Шарқшунос олим, академик В.В.Бартольд ҳам ўзининг тадқиқотларида Муҳаммад Содик Қошғарийнинг мазкур асарига мурожаат қилган. У “Тарихи Рашидий” асарида берилган маълумотларни “Тазкирай хожагон” ва бошқа манбаларда келтирилган маълумотлар билан солиштириб, асарнинг тўғридан тўғри давоми эмаслигини аниқлаган⁴³.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Тазкирай хожагон” асари қирғизлар тарихига оид маълумотларни ёритувчи манба сифатида М.А.Салоҳиддинова тадқиқотларида ҳам ўрганилган⁴⁴.

А.А.Семёнов ўз каталогида “Тазкирай хожагон”нинг форс тилида ҳам нусхалари борлигини эслатиб ўтади⁴⁵, бунга кўра асар ўз замонасида жуда кенг тарқалган дейиш мумкин.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг туркий тилда ёзилган яна бир қимматли асари – “Одоб ас-солиҳин”дир. Ҳозирда асарнинг рус тилидаги таржимаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир қўлёзмалар фондида 2 нусхада сақланмоқда.

“Одоб ас-солиҳин” асари “Зубдат ал-масойил” номли асар билан бир жилдда беш марта нашр этилган: икки марта – 1889 ва 1901 йиллари Тошкентда ҳамда уч марта – 1891, 1892 ва 1896 йилларда Истанбулда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида

⁴³ Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан // Сочинения. Т. VIII. – М.: 1973. – С. 173-174.

⁴⁴ Кутлуков М. Муҳаммад Содик Қошғарий. – Т.: Ўзбекистон, 1968. – Б. 9.; Салоҳитдинова М.А. Сочинение Муҳаммад Садыка Кашгари «Тазкирай хожагон» – как источник по истории киргизов. Известия АН Киргизии. Т. I. 1959. – С. 93-125.

⁴⁵ Семёнов А.А. Указатель персидской литературы по истории узбеков в Средней Азии. – Т., 1926. – С. 15.

асарнинг иккита қўлёзма: 1902 ва 1924 йилларда кўчирилган ва бешта тошбосма: 1889, 1891, 1892, 1896, 1901 йилларда чоп қилинган нусхалари сақланмоқда.

“Одоб ас-солиҳин” асари муқаддима, етти боб ва кичик хотимадан иборат. Ҳар бир боб эса тўрт фаслдан ташкил топган. Ўз навбатида ҳар бир бобга баён этилаётган одобларга мувофиқ ном берилган. Булар жумласига “Изн сўраш, кўришиш ва саломлашиш одоблари”, “Ухламоқ, йўл юрмоқ ва отга минмоқ одоблари”, “Аҳли суҳбатнинг одоблари”, “Меҳмон кутиш одоблари” ва бошқалар киради. Фаслларга ҳам ном берилган бўлиб, ҳар бир фасл бир неча қоидалардан ташкил топган.

Ўрта Осиёда нақшбандия тариқати кенг тарқалгани боис, асарда тасаввуф аҳлига тегишли одоб-ахлоқ қоидалари ҳам ёритилган. Айни пайтда, бу кўрсатмалар халқимиз кундалик турмуш тарзига сингиб кетганини кузатиш мумкин. Бу китоб Туркистон халқлари орасида катта шуҳрат қозонган ва илм аҳли орасида қадрланиб, кенг истифода этилган⁴⁶. И.Саидахмедова, М.Юнусхўжаева, Г.Остоноваларнинг тадқиқотлари натижасига кўра, этика ва ислом ҳуқуқшунослиги бўйича қимматли қўлланма ҳисобланган мазкур асарлар мадраса ўқувчилари билан бир қаторда солиқ йиғувчиларга ҳам мўлжалланган. “Одоб ас-солиҳин” асари Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Маҳмуд ибн Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд Тож аш-Шарианинг “Ҳидоя”га ёзилган шарҳи бўлмиш “Кифоя фи шарҳ ал-Ҳидоя”, Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд Тож аш-Шарианинг “ал-Викоя” ва бошқа шу каби машҳур асарларга асосланиб ёзилган⁴⁷.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу даврда барча мадрасаларда асосий фан сифатида “Қуръон”, “Тафсир”, “Одоб ас-солиҳин”, “Сабот ул-ојизин”, “Ҳадис” ўқитилган⁴⁸. Хива хони Муҳаммад Раҳимхоннинг амри

⁴⁶ Лыкошин Н. Кодекс приличий на Востоке. – Т., 1900. – С. 3.

⁴⁷ Саидахмедова И.А., Юнусходжаева М.Ю., Астанова Г.Ю. Агиографические сочинения как источник для изучения духовной и политической жизни Восточного Туркестана // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XIX вв. – Т.: Фан, 1987. – С. 158.

⁴⁸ Ҳошимов К., Нишанова С. Педагогика тарихи. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2005. – Б. 175.

билан “Зубдат ул-масоил” ва “Одоб ас-солиҳин” асарлари котиблар томонидан кўчирилиб, Хива мадрасаларида таълим жараёнида кенг фойдаланилган⁴⁹.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Тазкираи Азизон”, “Зубдат ал-масойил” ва “Одоб ас-солиҳин” асарларини И.А.Саидахмедов, М.Ю.Юнусхўжаева, Г.Ю.Оstonовалар “Агиографик асарлар Шарқий Туркистоннинг маънавий ва сиёсий ҳаётини ўрганувчи манба сифатида” номли тадқиқотларида Шарқий Туркистон тарихига оид қатор асарлар қаторида тарихий манба сифатида тўхталганлар⁵⁰. А.А.Байдунов ўзининг “XIX аср уйғур тараққийпарвар мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари” тадқиқотида Муҳаммад Содик Қошғарийнинг асарларидан манба сифатида фойдаланган⁵¹.

Шунингдек, Қошғарийнинг илмий мероси, ҳаёти ва фаолиятини М.Ҳасаний, К.Ҳошимов, О.Жалиловлар тадқиқ этганлар. Маҳмуд Ҳасаний адибнинг одоб-ахлоққа оид асарлари устида изланишлар олиб борган бўлса, К.Ҳошимов “Одоб ас-солиҳин” асарининг педагогик жиҳатларини ёритишга эътибор қаратган. Шунингдек, олимнинг тарихий асарлари ва ижоди устида О.Жалилов томонидан ҳам қатор илмий изланишлар олиб борилган.

Мазкур изланишлар самараси ўлароқ, 1990 йил “Шарқ юлдузи” журналининг “Тарихий мерос” рукнида Маҳмуд Ҳасаний ва Убайдулло Содиковлар ҳаммуаллифлигида “Яхши кишилар одоби” номи билан “Одоб ас-солиҳин” асарининг қисқача матни чоп этилган⁵². Мазкур нашрда асар боблари муайян қисқартиришлар билан табдил қилинган бўлиб, тушуниш қийин бўлган сўзларнинг изоҳи матнда қавс ичида берилган. Шунингдек, муаллифлар томонидан адибнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳамда илмий мероси ҳақидаги, хусусан, нашрга тайёрланган асарнинг нусхалари

⁴⁹ Кутлуков М. Муҳаммад Содик Қошғарий. – Т.: Ўзбекистон, 1968. – Б. 9.

⁵⁰ Саидахмедова И.А., Юнусходжаева М.Ю., Астанова Г.Ю. Агиографические сочинения как источник для изучения духовной и политической жизни Восточного Туркестана // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XIX вв. – Т.: Фан, 1987. – С. 149-162.

⁵¹ Қаранг: Байдунов А.А. XIX аср уйғур тараққийпарвар мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари: Фал. фан. номз. ... дисс. автореф. – Душанба, 1990.

⁵² Қаранг: Ҳасанов М., Содиков У. Яхши кишилар одоби // Шарқ юлдузи. - Тошкент, 1990. - №5. – Б. 90.

хақида қисқача маълумотлар изох шаклида келтирилган. Асарнинг муқаддима ҳамда барча етти бобида баъзи фасллар ва қоидалар тушириб қолдирилиб ёки қоидалардаги жумлалар қисқартирилиб нашр этилган. Жумладан, “Аҳли суҳбатнинг одоби ва шароити баёнида” бобининг биринчи: “Машойихи тариқат суҳбатларининг одоби зоҳирлари баёнида”, иккинчи: “Одоби маънавий баёнида” фасллари ҳамда кеч кирганда, уйқуга кетишдан олдин айтиладиган дуолар ва бошқа қоидаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

“Яхши кишилар одоби” рисоласи “Одоб ас-солиҳин” асарининг ўзбек тилидаги илк табдили ҳисобланиб, унда асарнинг қўлёзмасида йўл қўйилган хатолар тўғриланганлиги ҳамда форс ва араб тилларидаги сўзларнинг ўзбек тилидаги маъноларининг қавс ичида бериб кетилганлиги билан илмий қимматга эга. Шунингдек, асарнинг хотима қисми, матндаги ҳадислардан келтирилган далиллар, Қуръон оятлари, баъзи дуо ва ҳамдларни табдилдан тушиб қолганлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Мазкур нашр замонавий ўзбек тили қоидаларига мослаб, айрим дуо ва далиллари қисқартирилиб, М.Ҳасаний, Ў.Умрзоқ ҳамда У.Содиқ томонларидан қайта нашр қилинган⁵³.

Олим К.Ҳошимовнинг изланишлари натижасида Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг илмий мероси, ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги қисқача маълумот “Педагогика тарихи” дарслигига киритилди ва “Одоб ас-солиҳин” асарининг тарбиявий жиҳатлари ёритилди. Муаллиф асарда келтирилган қоидаларни ўзлаштирма гап сифатида мисоллар билан келтиради. Дарсликдаги мисоллар “Шарқ юлдузи” журналаридаги табдил асосида ёритилган⁵⁴. Шунингдек, муаллиф: “Шарқ педагогикаси тарихида “Қобуснома” каби бу асар ҳам ўз ўрни, ўз мавқеига эга. Бу асарни бобма-боб ўрганиш ёш авлоднинг маънавий камол топишида фойдаланиладиган бебаҳо хазинадир, дейиш жоиз” – деб асарга юқори баҳо берган.

⁵³ Ҳасаний М., Умрзоқ Ў., Содиқ У. Яхши кишилар одоби. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

⁵⁴ Ҳасанов М., Содиқов У. Яхши кишилар одоби // Шарқ юлдузи. - Тошкент, 1990. - №5. – Б. 90.

Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда ҳам бу асарга кўплаб тадқиқотчилар катта қизиқиш билдирганлар. Жумладан, рус олими Нил Ликошин томонидан “Одоб ас-солиҳин” асари В.П.Наливкин таҳрири остида рус тилига “Кодекс приличий на Востоке” номи билан, таржима қилинган. Асарнинг рус тилидаги таржимаси бир неча бор: 1900, 1895 йилларда Тошкентда, Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовскийнинг кўрсатмасига биноан “Мусулмонликка оид материаллар тўплами”нинг иккинчи жилдида нашр қилинган. Мазкур рус тилидаги нашрни асарнинг туркий тилидаги матнининг тўлиғича таржимаси дейиш мумкин. Нашр таржимон томонидан кириш сўзи ҳамда “Одоб ас-солиҳин” асари матнида учрайдиган тушунарсиз сўзларнинг шарҳи билан бойитилган. Шунингдек, асардаги қоидаларни асл матндаги каби санок сонлари билан эмас, балки рус алифбосидаги ҳарфлар билан берган. Матндаги Қуръон оятларининг рус тилига таржимаси ҳамда сура ва оят рақамлари қавс ичида берилган. Асардаги жами 9 та оятдан 7 тасини кўрсатиб ўтган. Оятларнинг рақамини беришда баъзи хатоликларга йўл қўйилган.

Шунга қарамай, Нил Ликошин асл матнда кўрсатилмаган Қуръон оятларининг номини ва оятларининг рақамини алоҳида кўрсатишга эришган ҳамда ундаги баъзи сўзларнинг атрофлича таржимаси ва шарҳини изоҳда бериб, асар таржимасини тушунарли бўлишига эришган. Таржимада асарнинг боблари рим рақамлари билан, фасллари эса § (параграф) белгиси билан ажратиб кўрсатилган. Мазкур нашр 1992 йили Тошкентда ҳеч бир ўзгаришларсиз қайта нашр этилган⁵⁵.

1993 йилда Тошкентда Рубен Сафаров томонидан нашр этилган “Правила хорошего тона” китобининг “Из истории” номли бўлимига Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асарини “Кодекс приличий на Востоке” номи остида киритган⁵⁶. Р.Сафаров асарни Ликошин эътироф этгани номи билан киритган бўлсада, аммо Ликошиннинг таржимасини айнан ўзини

⁵⁵ Қаранг: Лыконшин Н. Мухаммед Садык-и-Кашкари. Кодекс приличий на Востоке. – Т.: Камалак, 1992. – 67 с.

⁵⁶ Қаранг: Сафаров Р. Правила хорошего тона. – Т.: Правда Востока, 1993. – С. 73-98.

бермаган. “Правила хорошего тона” китобида “Одоб ас-солиҳин”да баён этилган қоидалар умумий жумлалар билан, қисқартирилган шаклда келтирилган ҳамда асарга тарихдаги одоб-ахлоқ қоидаларини гавдалантирувчи манба сифатида ёндашилган.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг илмий мероси хануз ёш тадқиқотчиларнинг қизиқишини ўзига тортиб келмоқда. Франциялик олим Александр Папаснинг 2004, 2006 йилларда эълон қилган мақолаларида ҳам адибнинг “Тазкираи Азизон” асаридаги маълумотлардан фойдаланганлиги, шунингдек, 2008 йилда Урумчи гуманитар фанлар билим юртида “Муҳаммад Содик Қошғарий ҳамда унинг ижоди” мавзуида Умар Оят магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиб, диссертацияда олимнинг ҳаёти ва фаолияти, яшаган даври ҳамда классик адабиётдаги ўрни ёритиб берганлиги сўзимизнинг исботидир.

Муҳаммад Содик Қошғарий ва унинг илмий меросига бўлган кенг қамровли ёндашувлардан маълум бўладики, ўз даврининг йирик мутафаккирларидан бири бўлибгина қолмай, ёзиб қолдирилган манбалари ва унда келтирилган маълумотларнинг қимматлилиги билан ҳам қадрли. Хусусан, олимнинг “Одоб ас-солиҳин” асари Шарқ халқлари одоб нормаларини ёритган дидактик адабиётлар қаторидан ўрин олганлиги билан аҳамиятлидир.

1.2. Одоб-ахлоқга оид асарларда ахлоқ масалаларининг ёритилиши

Ўрта асрлар мусулмон Шарқ минтақаси ахлоқий тафаккури ривожига ахлоқнинг моҳиятини тушунтирувчи ва ахлоқийликни тарғиб этувчи машҳур пандномалар – халқ ичида кенг тарқалган бадий-дидактик асарлар ўзига хос ўрин эгаллаган. Улар учун умумий бўлган хусусият, бу – ахлоқий меъёрларни, тамойилларни, ахлоқий маданият омилларини кўпчиликка тушунарли, ранг-баранг шакллар орқали етказишдир. Мазкур ахлоқий ҳодисаларни узвийликда ва нисбийликда ўрганувчи фан ахлоқшунослиқ деб

номланади. Бу бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий фан бўлиб, бизда “Илми равиш”, “Илми ахлоқ”, “Ахлоқ илми”, “Одобнома” сингари номлар билан атаб келинган. Ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади. Ахлоқ арабча “хулқ” сўзининг кўплиги бўлиб, кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётидаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндисидир. “Ахлоқ” ибораси икки хил маънога эга: умумий тушунча сифатида фаннинг тадқиқот объектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдиради. Маълумки, ахлоқ инсон табиатида бўлган ҳислатлар бўлиб, ҳеч бир заруриятсиз ва ақлий зўриқишсиз намоён бўладиган хатти-ҳаракатлардир. Шу сабабдан ҳам кишининг ахлоқи маълум маънода туғма бўлади, уни фақатгина ёмон иллатлардан сақланган ҳолда поклаш мумкин. Ўз навбатида хатти-ҳаракатларни ва хулқ-атворларни яхшиларини ахлоқий, салбийларини ахлоқсизлик деб баҳоланади.

Одоб асосида эса ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, тарбияланганлик даражаси ва эстетик идеал талаблари ётади. У ўз ичига инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни қамраб олади. Содда қилиб айтганда, одоб кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига мансуб қоидалар мажмуидир. Шу билан бир қаторда, одоб, биринчи навбатда оила муҳитида, қолаверса, таълим-тарбия, ижтимоий-фойдали меҳнат, амалий тажриба жараёнида шаклланади.

Ахлоқ эса — жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси. Зотан, ижтимоий онгнинг энг қадимги шаклларида бири бўлишига қарамай у ҳам давр ўзгара боргани

сари ўзгаради ҳамда ривожланиб, такомиллашиб, маънавий маданиятнинг кўринишларидан бирига айланиб боради.

Ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келиши, айниқса, тасаввуфнинг вужудга келиши туфайли, қадимги дунё мумтоз ахлоқшунослиги илгари сурган ғояларни ривожлантириш, у ўртага ташлаган муаммоларни ҳал этиш, ўша давр ва кейинги даврлар учун долзарб бўлган муҳим назарий ҳамда бадиий-ахлоқий асарларни яратиш, асосан, мусулмон Шарқи алломаларининг зиммасига тушди.

Маълумки, исломда диний-маърифий, илмий-маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, қонун-қоидалар меъёрлари Қуръони карим ва ҳадислар билан тартибга солиб борилади. Ҳадисларда ислом динига мансуб қоида ва талаблар ҳамда ахлоқ-одобга доир ўғитлар, юксак инсоний фазилатлар баён этилган.

Ислом оламида машҳур ва энг ишончли деб эътироф этилган олти та ҳадис тўпламлари муаллифларининг аксарияти Ўрта Осиёлик алломалардир. Мазкур ишончли ҳадис тўпламларида ахлоқ масалалари алоҳида “Адаб” бобида баён этилган.

Ислом уламолари ичида биринчилардан бўлиби Имом Бухорий фақат одоб-ахлоқ масалаларига оид ҳадисларни жамлаб, “Ал-адаб ал-муфрад” номли китоб тасниф қилган. Мазкур асарда адабга оид 1322 та ҳадис келтирилган бўлиб, ўз навбатида улар 644 та бобга ажратилгандир. Асарнинг баъзи жойларида Қуръони карим оятлари ва саҳобаларнинг асарлари келтирилган, китоб кўп асрлар давомида исломий одоб ва ахлоқларни кенг тарғиб қилган асар бўлиб келган.

Ўрта асрларнинг қомусий алломалари Ибн Сино, Фаробий, Замахшарий, Берунийлар ахлоқ илмининг назарий-амалий соҳаларида фаолият кўрсатганлар. Фаробий фалсафани иккига – назарий ва амалий фалсафага бўлади, олим ахлоқшунослик масалаларини амалий фалсафа таркибига киритади. Ахлоқий муаммолар унинг “Бахтга эришув йўлини кўрсатувчи китоб”, “Бахтга эришув ҳақида”, “Давлат арбобининг

хикматлари”, “Фозил одамлар шахри” сингари асарларида кўтарилган. Уларда инсон бахти энг асосий муаммо сифатида ўртага ташланган. Шунингдек, Фаробий ҳаёт ва мамот муаммосига ҳам батафсил тўхталган. Унинг фикрича, инсон ҳаётда гўзал амаллар қилиши учун етук хулқли бўлиши лозим. Хулқнинг яхшилиги, етуқлиги эса инсоннинг хатти-ҳаракатларида меъёрга амал қилингани билан белгиланади. Одобни эса мутафаккир бадавлатнинг давлатини безайдиган ва камбағалнинг камбағаллигини ўғирлайдиган ахлоқий ҳодиса сифатида таърифлайди⁵⁷. Зеро, ахлоқ ижтимоий зарурият, эҳтиёж, жамиятнинг манфаатларини акс эттиради ҳамда қабул қилинган оммавий намуна, одат, расм-таомил жамоатчилик фикри билан мустаҳкамланган талаблар ва баҳолар тарзида ифодаланди⁵⁸.

Ахлоқ-одоб масалаларини Фаробий инсоннинг интеллектуал сифатлари – “ақлилиги”, “донолиги” билан узвий боғлиқ ҳолда олиб қарайди. У талқин этган ахлоқий тушунчалар, категориялар фақат кишиларнинг ўзаро муносабатларида мавжуд бўлган хулқ нормаларининг ифодасигина эмас, балки улар фаолиятининг натижаси ҳамдир.

Хулоса қилиб айтганда, Фаробийнинг ирода эркинлиги, бахт-саодатга илм-фаннинг роли ҳақидаги қарашлари сўнгги илғор ахлоқий таълимотларнинг ривожини учун катта таъсир кўрсатди. Фаробий ўрта аср ижтимоий-сиёсий, ахлоқий таълимотлари ривожига бутунлай янги оқимга асос солган. Олимнинг бу таълимоти Шарқ Уйғониш даври гуманизмининг энг асосий принципларидан бирини ташкил этиб, унинг мазмуни, мундарижасини белгилаб берди. Бу принцип кейинроқ Ибн Сино, Низомий, Саъдий ва Навоий асарларида ранг-баранг жилоларга эга бўлган.

Инсоният маънавий маданиятига катта ҳисса қўшган Ўрта осийлик алломалардан яна бири Абу Али ибн Синодир. Фалсафада

⁵⁷ Шер А. Ахлоқшунослик. – Т.: 2000. – Б. 32.

⁵⁸ Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 41.

Фаробий анъаналарини давом эттирган Ибн Сино ижтимоий фаннинг зарурлигини ўзининг “Донишнома” асарида шундай баён этади: “Ҳар бир илм ичида уни ўрганадиган бир нарса бўлади. Бу нарсалар икки турга бўлинади: бири борлиги бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ бўлган нарсалар ва иккинчиси, мавжудлиги бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ бўлмаган нарсалар. Аввалгисига бизнинг қилмишларимиз мисол бўлса, иккинчисига ер осмон, ҳайвон ва ўсимликлар мисол бўлади.” Ибн Сино ахлоқ илмининг амалий фалсафа таркибидаги ўрнини аниқлаб олишга интилади, унинг фикрича, фалсафа амалий ва назарий қисмларга бўлинар экан, амалий фалсафани ахлоқшунослик билан бир деб бўлмайди. Шунинг учун уни ахлоқ илми деган маъқул⁵⁹.

Аллома тасаввуф фалсафаси ва тасаввуфий ахлоқшуносликка доир кўплаб асарлар яратган. Бу борада унинг машҳур “Ишқ рисоласи” диққатга сазовордир. Мазкур рисоладаги асосий муаммо – комил инсон масаласи ҳисобланади. Нақшбандия тариқатининг вужудга келишида “Ишқ рисоласи” назарий асос ҳамда тасаввуф фалсафаси ва ахлоқшунослигига илк назарий пойдевор бўлиб хизмат қилган.

Маълумки, шариат исломнинг ташқи – ҳуқуқий кўриниши бўлса, тариқат унинг ички – ахлоқий кўриниши ҳисобланади. Зеро, тасаввуф исломий ахлоқшунослик фалсафаси сифатида иш кўради.

Тасаввуф ахлоқшунослигида Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ўрни беқиёс, унинг ахлоқий қарашлари “Ихё улум ад-дин” асарида ўз аксини топган. Унда таваккул, ихтиёр эркинлиги, тақдир, ният, муҳаббат сингари масалалар таҳлил қилинади⁶⁰.

Алломанинг бошқа бир машҳур асари “Кимёи саодат” ўзида одоб-ахлоқ қоидаларини мужассамлаштирган дурдона асарлардан бири ҳисобланади. “Кимёи саодат” асари тўрт рукндан иборат бўлиб, унда охират ва дунё манфаатларига эришиш йўллари баён этилади. Ғаззолий фикрича,

⁵⁹ Шер А. Ахлоқшунослик. – Т.: – Б. 35.

⁶⁰ Қаранг: Абу Ҳомид Муҳаммад ибн ал-Ғаззолий. Ихё улум ад-дин. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. Т. 1. – 231 б.

инсоннинг ўзига, ўзгаларга, атроф-муҳитга муносабати муҳаббат орқали амалга ошади ва бу муҳаббат турларининг ҳаммаси Аллоҳга муҳаббатнинг билвосита кўринишидир. Муҳаббат эса билишнинг (маърифатнинг) маҳсулидир, билиш эса тўрт рукн билан ҳосил бўлади⁶¹. Булар: 1. Ибодат рукни, яъни Аллоҳга ибодат қилиш орқали унга яқинлашиш. 2. Муомалот бўлиб, унда суннатга мувофиқ иш тутиш шароитлари ёритилган. Унга кўра, инсон тирикчиликда, ўзининг хатти-ҳаракатларида ва ҳар қандай шароитда одоб ва суннатга мувофиқ иш тутиши назарда тutilади. 3. Муҳликот рукни – ҳалок қилувчи гуноҳ ишлар баёни деб номланган, демак муаллиф, ахлоқ илмида фақат фазилатлар эмас, балки иллатлар ҳам ўрганилиши зарур, деб ҳисоблаган. Имом Ғаззолий инсон ёмон иллатлар қандай бўлишини билганидан сўнг, улардан сақланиш йўллари, ахлоқий камчиликларни бартараф этишга оид кўрсатмаларини Мунжиёт рукнида ёритади.

“Кимёи саодат” асарининг ҳар бир рукни ўн асл ва бир неча фасллардан иборат бўлиб, уларда ёритилаётган одобларга мувофиқ ҳар бир асл ва фаслга ном берилган. Масалан, асарнинг “Муомалот” рукни “Таом ёмоқ одоблари”, “Меҳмондорчилик одоблари”, “Никоҳ, оила одоблари”, “Суҳбатлашиш одоблари”, “Сафар қилмоқ одоблари” каби асллардан иборат. Муаллиф томонидан асл ва фаслда баён этилаётган одобларнинг нақлий (хабар ва ҳадисда келтирилган) асослари баён этилган. Мазкур баёнларнинг аксарияти “Билгилки” мурожаати билан бошланган бўлиб, баъзи ўринларда одобларни ёритишда тартиб сон кетма-кетлигида фойдаланилган. Асар маънавий, руҳий покланишга тарғиб қилувчи одоблар билан бир қаторда амалий ахлоқий қоидаларини мужассамлаштирган. Зеро, одоб асосида ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, тарбияланганлик даражаси ва эстетик идеал талаблари ётади⁶².

Темурийлар даври ахлоқшунослигида Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (1440-1505) ўрни алоҳида диққатга сазовор. Мутафаккир-илоҳиётчи олим ва

⁶¹ Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат: (Рух ҳақиқати) / Нашрга тайёрловчилар: М.М.Андижоний, А.У.Тошкандий. – Т.: Адолат, 2005. – Б. 126.

⁶² Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 310.

адиб, буюк ахлоқ муаллимининг “Футувватномаи султоний” ва “Ахлоқи муҳсиний” асарлари XV асрда яратилган панднома жанридаги қимматли манбалардандир.

Хусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” номли рисоласи жавонмардлик илмининг аксарияти қоида-низомларини қамраб олгани, содда ва равон тилда ёзилгани билан ажралиб туради. Асарда жавонмардлик илми, дастури ва қоида-талаблари билан бирга тасаввуф ҳақида ҳам қўплаб фикрлар мавжуд. Футувват ҳам, тасаввуф ҳам инсон ахлоқини поклаш, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни тарғиб этади. Шундай экан, тасаввуф футувватда юксак ғояларнинг амалий-ижтимоий татбиқини кўрган бўлса, футувват тасаввуфда назарий-этиқодий тағзаминни топган⁶³.

Жавонмардлар, ахийлар ёхуд фатийлар деб – умрни дўстлар хизматиға бағишлаган, фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамайдиган, эзгу хулқ-атворға эга бўлган, борини ўзгалар билан баҳам кўрадиган, муҳтожларға ёрдам берадиган, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этадиган инсонларни айтадилар.

Маълумки, ахлоқ миллий ва умуминсоний элементлар билан бир қаторда тарихан ўткинчи норма, принцип, қоида, идеаллар ва ҳ.к.ни ўз ичига олади. Хусайн Воиз Кошифийнинг мазкур асарида ҳам буларни тасдиғини кўришимиз мумкин. Масалан, унда пир-муридлик одоби, хирқа ва кулоҳ кийиш тартиблари, белбоғ боғлаш, қасамёд этиш удуми ва маросимлари ҳақида, футувватчиларнинг турли бурчлари, вазифалари, касб-кори хусусида маълумотлар берилган. Асар савол-жавоб тариқасида оммавий китобхонга мўлжаллаб тузилган. У ўн икки бобдан иборат бўлиб, бешинчи боби “Тариқат аҳлининг одоби ҳақида” деб номланган. Мазкур бобда “Сухбат одоби ҳақида”, “Таом ейиш ва сув ичиш одоби ҳақида”, “Кийим кийиш одоби ҳақида”, “Сафар қилиш одоби ҳақида”, “Меҳмон кутиш одоби ҳақида”,

⁶³ Кошифий, Хусайн Воиз. Футувватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний / Нашрга тайёрловчилар: М.Аминов, Ф.Ҳасанов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – Б. 11.

“Йўлда юриш одоби ҳақида”, “Салом бериш одоби ҳақида” ва “Биродарлар ҳақини адо этишнинг бошқа адаблари ҳақида” каби фасллардан иборат.

“Футувватномаи султоний”да адиб ахлоқий ғоялар, фикрларни каторасига баён этиш, гап уқтириш билан баён этмаган. Унинг асарининг фазилати шундаки, адиб жамиятни, одамларни таҳлил этиб, ҳикмат ва фалсафа асосида мушоҳада юритади.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг яна бир машҳур асари “Ахлоқи муҳсиний” Султон Ҳусайн мирзонинг ўғли, темурий шахзода, Марв ҳукмдори Абдумуҳсин мирзога (1472-1507/08) бағишланган. Бинобарин, китобнинг номи асл мазмуни (“Яхши хулқлар”)дан ташқари “Муҳсинийнинг ахлоқи” маъносини ҳам англатади. Мазкур асар 40 бобдан иборат бўлиб, бошланғич бобларда ибодат, дуо, ихлос ва бошқа тушунча, атамалар баёни, кейингиларда эса подшоҳ ва юксак мартабали давлат арбобларининг вазифалари, ахлоқ-одоби, мулозимлари билан муносабати тарихий шахслар тўғрисидаги маълумотлар асосида ёритилган. Маълумотлар баёнида аввал ахлоққа оид бирор сўз ва тушунчани изоҳлаб, кейин унга ўқувчи амал қилиши учун нақлий ва ақлий далиллар келтирилган.

“Муҳсинийнинг ахлоқи”даги тарихий қиссалар қамрови давр жиҳатидан жуда катта. Уларда қадимги юнон донишмандлари, исломгача бўлган Эрон, турк ҳукмдорлари, араб халифалари ва бошқаларнинг ибратли сўзлари ва ишлари тўғрисида маълумот берилган. Аммо уларни айна тарихий воқеа деб тан олиш қийин. Нўширвон ҳузурида уч ҳукмрон: Рум қайсари, Хитой ҳоқони, Ҳиндистон роъйсининг бир вақтда бўлиши қисса ижодкорининг ҳаёлий маҳсули деб билиш мумкин. Ўрта аср шароитида машҳур тарихий шахслар номлари келтирилиши китобхон учун оддий бир ҳол деб баҳолаш мумкин.

“Ахлоқи муҳсиний” асари XV асрда яратилган ахлоққа оид ҳам илмий, ҳам бадий хусусиятга эга китобдир. Шунинг учун тузувчи унга кўплаб

шеърый намуна, ибратли қисса ва ривоятларни киритган⁶⁴. Юқорида айтиб ўтилганидек, асар шахзодага бағишлаб ёзилганлиги туфайли ҳам унда келтирилган ахлоқий сифатлар кўрсатма сифатида эмас, балки турли даврларда яшаган ҳукмдорларнинг ҳаётларидан ривоятлар билан баён этилган. Асарнинг ёзилиш услуби айнан шу жиҳатлари билан ҳам бошқа ахлоқ-одоб китобларидан ажралиб туради.

“Футувватномаи султоний” ва “Ахлоқи муҳсиний” асарлари беш юз йил давомида ахлоқ ва одоб дастури сифатида қўлдан-қўлга ўтиб, катта қизиқиш билан ўқилган⁶⁵.

Темурийлар даври ахлоқшунослигининг яна бир вакили Жалолиддин Давонийдир (1427-1502). Унинг ахлоқшунослик муаммоларига бағишланган йирик асари “Ахлоқи Жалолий”да XV асрнинг илғор ахлоқи, Шарқ ахлоқий таълимотларининг ютуқ ва камчиликлари акс этган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми асосий ахлоқий тушунчалар ҳисобланувчи адолат, шижоат, донишмандлик, иффат сингари фазилатлар таҳлили ва талқинига, иккинчи қисми оилавий ҳаёт, болалар тарбияси, муомала одоби масалаларига бағишланган. Китобнинг учинчи қисмида эса шаҳар маданияти ва подшоҳларнинг сиёсат юргизиши ҳақида фикр юритилади. Асарда ахлоқшунослик кишиларнинг амалий фаолияти, қарашлари билан боғлиқ фан сифатида, ахлоқий муаммолар эса фалсафий, ижтимоий-сиёсий масалаларга дахлдор ҳодисалар тарзда олиб қаралган. Зеро, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ахлоқнинг ўзига хос норма-қоидалари ифодаланади. Бу ахлоқ қоида-нормалари мустақил асосга эга бўлган мустақил соҳаларни ташкил этади.

XIX асрда Туркистон халқлари орасида катта шуҳрат қозонган ва илм аҳли орасида қадрланиб, кенг истифода этилган одоб-ахлоққа оид асарлардан яна бири “Одоб ас-солиҳин”дир. Мазкур асар, шу давр ахлоқий тафаккурида

⁶⁴ Кошифий, Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний / Нашрга тайёрловчилар: М.Аминов, Ф.Ҳасанов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – Б. 123.

⁶⁵ Ўша асар. – Б. 7.

(ахлоқшунослигида) чуқур из қолдирган йирик файласуф, тарихчи, адиб ва таржимон Муҳаммад Содик Қошғарий қаламига мансуб.

“Одоб ас-солиҳин” содда ва равон тилда ёзилганлиги сабабли Хива хони Муҳаммад Раҳимхоннинг амрига мувофиқ котиблар томонидан кўчирилиб, Хива мадрасаларида таълим жараёнида кенг истифода этилган⁶⁶. Асар муқаддима, етти боб ва кичик хотимадан иборат. Ҳар бир боб эса тўрт фаслдан ташкил топган бўлиб, ҳар бир бобга баён этилаётган одобларга мувофиқ ном берилган. Булар жумласига “Изн сўраш, кўришиш ва саломлашиш одоблари”, “Ухламоқ, йўл юрмоқ ва отга минмоқ одоблари”, “Аҳли суҳбатнинг одоблари”, “Зиёфат, емак ва ичмак одоблари” ва бошқалар киради. Фаслларга ҳам ном берилган бўлиб, ҳар бир фасл бир неча қоидалардан ташкил топган.

“Одоб ас-солиҳин”да одоб-ахлоқ қоидаларини баён этишда тартиб сондан фойдаланган ҳолда кетма-кет қилиниши лозим бўлган ишлар берилган. Баъзи ўринларда эса фикрни (қоидани) қувватлаш учун ҳадислардан мисоллар келтирилган. Шу билан бир қаторда асарда жуда кўп дуо ва ҳамдлар келтирилган бўлиб, айрим дуолар Қуръон оятлари орқали ифодаланган. Ўқувчига эслаб қолиш осон бўлиши учун қоидалар жуда содда жумлалар билан келтирилган ҳамда эътиборни бошқа нарсага жалб қилмаслик мақсадида ибратли ҳикоят ва ривоятлардан, шеърӣ мисралардан, ақлий далиллардан фойдаланилмаган. Китобни ўқув қўлланма сифатида фойдаланилганлиги сабабли қоидалар қисқа ва лўнда ифодалангандир.

Асрлар оша панднома жанрида яратилган асарларнинг таркибий ўзгаришига назар солинар экан, маълум бўладики, инсоннинг кундалик эҳтиёжлари учун зарурий ҳисобланган ахлоқ-одоб қоидалари даставвал ҳадис тўпламларида, сўнгра эса маълум бир асарларда нақлий ва ақлий далиллар билан кенг ёритилган бўлса, аҳоли ўртасида нақлий далилларнинг ёд бўлиб, кундалик амалиётга айланиши, эндиликда асарларда қисқа фақат одоб қоидаларининг ўзигагина тааллуқли асарларнинг яратилиш эҳтиёжини

⁶⁶ Кутлуков М. Муҳаммад Содик Қошғарий. – Т.: Ўзбекистон, 1968. – Б. 9.

келтириб чиқарди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, минтақада тасаввуф ва тариқат вакиллариининг кенг тарқалганлиги сабабли мазкур жанрдаги адабиётларда ҳам тасаввуфий ахлоқ-одоб қоидалари баён этилган. Бунга юқорида кўрган “Футувватномаи султоний” асарини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур асар тўлиғича тасаввуфий қоидаларни ўзида жамлаган бўлса-да, унинг битта боби айнан кундалик эҳтиёжларга доир қоидаларни мужассамлаштирган. Тарихий давр шароитидан келиб чиққан ҳолда кундалик турмушда бажариладиган одоб-ахлоқ қоидалари асарларнинг маълум бир фаслида ёки бобида эмас, балки, алоҳида бир китоб тарзида тузишга эътибор қаратилган.

1.3. Асарнинг таркибий таҳлили

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асари – мусулмон кишининг шахсий ва ижтимоий ҳаётида учрайдиган ҳолатларга оид меъёрий қоидалар батафсил баён этилган асардир. Маълумки, меъёрий қоида деб, амалга оширилиши зарур бўлган ёки истисно қилинадиган хатти-ҳаракатлар мажмуига айтилади⁶⁷. Мазкур меъёрий қоидалар содда ва тартибли берилганлиги сабабли машҳур рус олими Нил Ликошин асарни “Шарқона ахлоқ кодекси” деб номланган. Кодекс – ижтимоий муносабатларнинг маълум бир соҳасини тартибга солувчи, устувор ҳуқуқ нормаларини ўзида мужассамлаштирган ва тизимлаштирган қонундир. Кодекснинг ўзаро узвий алоқадор бўлган таркибий қисмлари (боблар, бўлимлар, нормалар), тизимлаштирилган ҳолда бўлиб, оддий қонундан ўзининг мукамаллиги, сайқал топганлиги, барқарорлиги билан фарқ қилади⁶⁸. Бундан маълум бўладики, Ликошин “Одоб ас-солиҳин”ни мантиқан мукамаллиги, нормаларининг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги билан ажралиб турувчи кодекс даражасидаги асар сифатида эътироф этган.

⁶⁷ Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 259.

⁶⁸ Қаранг: Конституциявий ҳуқуқ. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – Б. 222.

Асар муқаддима, етти боб ва кичик хотимадан иборат. Ҳар бир боб эса тўрт фаслдан ташкил топган. Ўз навбатида боб ва фаслларга баён этилаётган одобларга мувофиқ ном берилган.

Олимнинг фикрича, талаба зоҳирӣ (ташқи) ва ботинӣ (ичқи) одоб-ахлоқ билан зийнатланмас экан, унинг илми талабага ҳеч қандай фойда бермайди. Шунинг учун толиби содиқлар ва солиқи ғойқлар зоҳирӣ ва ботинӣ одобларни билиб, уларга амал қилишлари лозим деб белгиланган. Шу ўринда муаллиф томонидан илгари сурилган юқоридаги ғоя Фаробийнинг “билим яхши хулқ – одоб билан безатилган бўлиши керак” фикрининг айнан тасдиғи эканини айтиб ўтиш лозим.

Инсоннинг хушхулқлиги энг аввало унинг саломлашишидан маълум бўлади. Саломлашиш ижтимоӣ заруриятидан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан мазкур ахлоқӣ меъёр қоидалари асарнинг **биринчи бобида “Истиъзон, салом, мусофаҳа ва тақбили айдо баёнида”** номи билан келтирилган. Унда бир кишининг олдиға кирмоққа изн сўраш, саломлашиш, кўришиш одоблари баён этилган бўлиб, жами 27 қоида келтирилган. Бу бобда “Истиъзон, яъни бир киши олдиға кирмоққа изн талаб қилмоқни одоби”, “Саломнинг адаблари баёни”, “Мулоқот одоби баёни”, “Муолақа ва қўл ўпмак адаблари” каби фасллар ўрин олган⁶⁹.

“Истиъзон” фаслида инсон бирор уйға киришни истаса, уй эгаларига ўзининг келганини маълум қилиши кераклиғи ва уни қай тарзда амалға ошириши лозимлиғи бирма-бир келтирилади. Агар шунда ҳам уй эгалари томонидан ҳеч қандай изн берилмаса, эшик тағида турмасдан ортға қайтиш кўрсатмаси келади. Шунингдек, агар уй эгаси билан бирға келган бўлса, унда ичкари киришға рухсат сўралмайди, деб ҳам алоҳида қайд этилади.

“Саломнинг одоблари баёни” фаслида мусулмонларнинг бир-бирларига салом бериш тартиби, қандай жумлалар билан саломлашиш кераклиғи ҳамда бу борада уламоларнинг фикрлари баён этилади. Шунингдек, салом бериш

⁶⁹ Қаранг: Муҳаммад Содиқ Қошғарий. Одоб ас-солиҳин. ЎЗР ФАШИ тошбосмаси. № 4982. – Тошкент, 1889. - Б. 221-287. (Бундан кейин: Муҳаммад Содиқ Қошғарий. Одоб ас-солиҳин.)

макрух ҳисобланган ўн бир ҳолат ҳам санаб ўтилган. Мазкур фаслда жами ўн икки қоида келтирилган.

Ҳар бир инсон бошқа бир инсон билан мулоқотга киришар экан, у билан ҳол сўрашиб, кўришишида ҳам баъзи нозик жиҳатларга эътибор бериш керак. Бу эса ўша инсоннинг ахлоқан гўзаллигининг белгисидир. Кўришишда амал қилинадиган қоидалар “Мулоқот одоби баёни” фаслида олти қоида билан ёритилган. Унга кўра, кўришаётганда инсон юзини очиқ тутиши кераклиги, қўл берганда эса қўлни учи ёки пайпаслаш билан эмас балки икки кафт билан кўришиш кераклиги ҳамда биринчи бўлиб қўл узатган киши қўлини олмагунча иккинчи инсон қўлини олмаслиги лозим бўлган жиҳатларга ҳам алоҳида тўхталинган.

Шу билан бирга, йирик шайхлар билан учрашганда шогирд ўзини қандай тутиши кераклиги деган саволига жавоб биринчи бобнинг якунловчи тўртинчи “Муонақа ва қўл ўпмак одоблари баёни” фаслида тўрт одоб қоидаси билан ифодаланган.

“Одоб ас-солиҳин” асарининг иккинчи боби **“Ухламак, йўл юрмак ва отға минмак адаблари баёнинда”** деб номланган. Унда “Ухламакнинг баёни”, “Либос киймак одоблари”, “Йўл юрмакни одоблари” ҳамда “От минмак одоблари” каби фасллар жой олган.

“Ухламакнинг баёни” фаслида биринчи қоида қилиб, кеч кирганда ва тонг отгандан сўнг ўқиладиган дуолар келтирилади ва уни қувватловчи ҳадис баён этилади. Сўнг ухлашдан олдин эътибор қаратиш керак бўлган нарсалар тўғрисида кўрсатма берилган. Ухламоқчи бўлган инсон қай ҳолатда уйкуга ётиши кераклиги ва яна ётишдан олдинги дуоларнинг матни ҳамда Қуръон оятларининг номи зикр этилади. Мазкур фаслнинг якунловчи қоидалари сифатида уйқудан уйғонганда ўқиладиган дуо ҳамда туш кўрган бўлса, унга қандай муносабатда бўлиш лозимлиги ёритилган.

“Либос киймак адаблари баёнида” фаслида қандай рангдаги, узунликдаги либосни кўпроқ кийиш, либос кийганда айтиладиган дуонинг матни келтирилган. Мазкур фаслда жами етти қоида ёритилган.

“Йўл юрмакнинг одоблари баёни” фаслидаги қоидаларга мувофиқ йўл юришда қадамни тез-тез ёки оғир қўйиб ҳам юрмаслик, бир пой оёқ кийимда эмас балки иккала оёғига кийиб юриш, йўлларда эҳтиёт билан юриш, хусусан, бозор ва одамлар кўп тўпланадиган жойларда бирор кишини оёғини босиб олмаслик, агар йўлда икки киши сўзлашиб кетаётган бўлса, уларнинг ўрталарини кесиб ўтмаслик, йўлда ёши улуғ, кекса кишиларга эҳтиром кўрсатиш, йўл узра бирор киши билан сўзлашиб турмаслик, агар жуда муҳим сўзлари бўлса, йўлнинг четига чиқиб сўзлашиш лозимлиги қоида сифатида санаб ўтилади. Мазкур йўл юришнинг одоблари ўн олти қоидага ажратилган.

“Одоб ас-солиҳин” асари давр эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ўша пайтнинг транспорт воситаси ҳисобланган от миниш одоблари алоҳида фаслда ёритилган. Унга кўра, отнинг узанкисига оёғини қўйган вақтда “Зухруф” сурасининг 13-14 оятлари ўқилиши, отни йўлда эҳтиёт билан бошқариш, хусусан, лой кўчаларда отни тез юргизмаслик, маркабнинг бошига ва юзига чўп ёки қамчин билан урмаслик, отни узоқ муддат оч ва ташна ҳолда қолдирмаслик лозимлиги қоида тариқасида баён этилади.

Асарнинг учинчи боби **“Аҳли суҳбатнинг одоби ва шароити баёнида”** деб номланиб, қуйидаги фасллардан иборат: “Машойихи тариқат қоддаса-л-лоҳу таоло арваҳаҳум суҳбатларининг одоб зоҳирлари баёни”, “Одоби маънавий баёни”, “Аҳли суҳбатга лозим нимарсаларни баёни” ҳамда “Баъзи атвор ва аҳвол зикри”.

Мазкур бобда пир ва муршид одобларига алоҳида эътибор билан ёндашилганини асардаги энг кўп қоида ёритилган боб эканлигидан ҳам англашимиз мумкин. Жумладан, “Машойихи тариқат қоддаса-л-лоҳу таоло арваҳаҳум суҳбатларининг одоб зоҳирлари баёни” фаслида ўн олти одоб қоида тариқасида ёрилади. Хусусан, мурид шайхининг суҳбатида ўзини қандай тутиши кераклиги, шайхга хизматида амал қилиши лозим бўлган қоидалар келтирилган.

“Одоби маънавий баёни” фасли юқорида фикр юритилган фаслнинг мантикий давоми ҳисобланади. Унда ёритилган қоидалар инсоннинг

маънавий оламига боғлиқ бўлган қоидалардир. Мазкур фасл ҳам ўн олтита одоб билан тартибланган.

“Аҳли суҳбатга лозим нимарсаларни баёни” фасли асардаги энг катта фасллардандир. Унда жами ўттиз икки қоида ёритилган. Мазкур фаслда суҳбат одобларига батафсил тўхталиб ўтилган. Унга мувофиқ, суҳбатга инсон ювиниб ва покиза либосини кийиб, тишини тозалаган ҳолда бориши лозимлиги таъкидланади. Шунингдек, инсон суҳбат жараёнида ўзини қандай тутиши лозимлиги, ён-атрофидагиларга қандай муносабатда бўлиши кераклиги, қай ҳолда ўтириши кераклиги ҳақидаги кўрсатмалар берилган.

Мазкур бобнинг якунловчи “Баъзи атвор ва аҳвол зикри” фасли юқоридаги “Аҳли суҳбатга лозим нимарсалар баёни” фаслининг мантикий давоми бўлиб, унда суҳбат жараёни учун жуда кичик саналса-да, аммо ахлоқий жиҳатдан нуқсон ҳисобланган ёмон одатларни қилмасликка буюрилади. Булар жумласига: суҳбатда эснамаслик, уйқуга кетмаслик, тортишув орқали ўзини бошқалардан устун эканлигини исботламаслик, бир киши сўзлаб турган вақтда сўзини бўлмаслик, сўзлаётганда ўзи билганидан ортиқ даражада баландпарвоз сўзламаслик, ҳамсуҳбатлари билан жанжаллашмаслик, ён-атрофидагиларга кўп хушомад қилмаслик, суҳбатдошларига кўп мазах ва мутойиба қилмаслик, мажлисда қатнашаётган икки киши бир-бирига пинҳоний сўзлашмаслиги лозимлиги таъкидланади.

“Одоб ас-солиҳин” асарининг **тўртинчи боби “Эру хотун ва ҳаммом одоблари баёни”** деб номланган бўлиб мазкур бобда “Эр ва хотуннинг борасига қиладурғон одоблари”, “Хотунни эр борасига қиладурғон одоблари”, “Эр ва хотун бир-бирлариға қўшилмоқнинг одоби” ҳамда “Ҳаммомға қирмоғлиқ одоби” фасллари баён этилади. Фаслларни эр хотинига ширин сўзлаши, хотиннинг жафосига сабр қилиши, аёл кўполлик қилса, эр мурса-ю мадора, ҳикмат ва билан муомала қилиши, хотин такаббурлик қилса, эр уни одобга чақирити айтилади. Хотин эса ўз навбатида эрининг измида бўлиши, уйда хотинлар қиладиган ишларни

қилиши, эри шод бўлса шод, ғамгин бўлса ғамгин бўлиши кераклиги ҳақидаги кўрсатмалар қоида тарзида ифодаланган.

Асарнинг **бешинчи боби “Ийодати мари́з, таъзия ва аҳли мусибатнинг одоблари баёни”** деб номланган. Мазкур боб “Ийодати мари́з”, “Мари́знинг ўзига хос одоблари баёнидаки”, “Аҳли мусибат одоблари баёнидаки” ҳамда “Зиёрати кубур одоблари баёнида” фаслларида иборат.

“Ийодати мари́з”, яъни касалнинг ҳолини сўраш одоблари фаслининг аввалида бирор кимсанинг бетоблигини эшитиши, хаттоки кофирнинг бетоблиги ҳақидаги хабар етиши билан, уни бориб кўриш лозимлиги тарғиб қилинади. Мазкур қоида инсонларнинг ўзаро алоқалари яхшиланиши ҳамда жамиятда бирдамликнинг ошишига хизмат қилади. Мазкур тарғибдан сўнг касални кўргани борган инсон ўзини беморнинг ҳузурида қандай тутиши кераклиги баён этилади. Жумладан, касални олдиға кирганда юзини очиқ тутиб, беморға шафқат билан мулоқат қилиши, кир либос билан кирмаслиги, киргандан сўнг беморнинг бош томонига яқин ўтириши, касални юзига тез-тез қарамаслик ва кўп сўзламаслик, касални кўнгли тусаётган нарсалардан сўраши ҳамда дилини хуш қилувчи ҳикоялардан сўзлаши каби қоидалар баён этилади.

“Мари́знинг ўзига хос одоблари баёни” фаслида келтирилган қоидаларда инсон беморлик вақтида ўзини қандай тутиши кераклиги ёритилади. Хусусан, бемор ўзига азият етган пайтда шукр қилиши, оғриқдан ўзига ўлим тилашдан тийилиши лозимлиги, қилган гуноҳларига мағфират тилаши кабилар қоида тариқасида келтирилади.

“Аҳли мусибат одоблари баёни” фаслида бир киши мўмин биродарининг вафот этганини эшитишда айтиладиган иборалар, шунингдек, мусибат етган хонадон эгалари ўзларини қандай тутишлари лозимлиги, дафн маросимида эътибор қаратиладиган амалға оид етти қоида баён этилган. Мазкур қоидаларни ёритишда Қуръон оятлари ва ҳадислардан кенг фойдаланилган. Бунга мисол қилиб бешинчи ва олтинчи қоидаларни

келтиришимиз мумкин. “Аҳли мусибат айтғойлар мусибат етгон ҳийн
 “(Инна лиллоҳи ва инна илайҳи роҷиун⁷⁰). Аллоҳумма ажирни фи мусибатий
 вахлаф лий хойрон минҳа” ва сабр қилгайлар. Йиғламоқда аҳли мусибат овоз
 кўтармагайларки, ҳаромдур. Ҳадиси шарифда келибдурки, маййит азоб
 топадур аҳли мусибат овоз бирла йиғламоқдин. Ҳазрат Имом Шофиъий
 раҳматуллоҳи алайҳ айтибдурлар: “Ўлгандин сўнг йиғламоқлик макруҳи
 танзиҳидур”.

Мазкур бобнинг тўртинчи фасли “Зиёрати қубур одоблари баёни”да
 деб номланган бўлиб, юқоридаги фаслнинг узвий давоми ҳисобланади. Унда
 қабристонга борган инсон қандай одобларга амал қилиши лозимлиги,
 жумладан, кирганда салом бериб кириши, мусулмонларнинг қабрларини
 икром қилиши, қабрнинг устига ўтирмаслик лозимлиги уқтирилган.

Асардаги энг кўп қоидалар ёритилган боблардан бири **олтинчи боб**
“Зиёфат ва аклу шўрб, яъни емак ва ичмак одоби баёни” бўлиб, жами 61
 одоб ёритилган. Деярли ҳар куни бир неча маротаба амалга ошириладиган
 овқатланиш одобига адиб томонидан 41 қоида келтирилган.

Бобнинг аввалида “Меҳмондорчиликнинг одоби баёни” келтирилган.
 Бунга мувофиқ, инсоннинг ижтимоий мавқеи ва келиб чиқишига эътибор
 қилмаган ҳолда зиёфатга чақириш кераклиги, меҳмонга икром ва эҳтиром
 кўрсатиш, унинг ҳузурига турли ноз-неъматларни, энг ширин таомларни тез
 олиб келиш, икромга берилиб исрофга йўл қўймаслик, меҳмон билан бирга
 таом емоқлик лозимлиги таъкидланади.

Асарда меҳмонга борган инсон қандай одоб-ахлоқ қоидаларига риоя
 қилиши “Меҳмоннинг соҳиби хонаға қиладурғон адаблари баёнида” фаслида
 ёритилган. Жумладан, меҳмонга таклиф қилинган инсон ҳатто нафл рўза
 тутган бўлса ҳам қабул қилиб, зиёфатни катта-кичиклигидан қатъий назар
 меҳмонга бориши, чақирилган жойга бегона бир киши ўзи билан бирга
 кўшиб обормаслиги, меҳмонга жуда очикқан ҳолда бормаслик, хонадон

⁷⁰ Қуръони карим. Бақара: 156. Тадқиқотда келтирилган оятларнинг таржималари Шайх Абдулазиз Мансурнинг “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири” (Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.) асосида берилди.

соҳиби ўтказган ерга ўтириш, уйнинг ҳар ерига кўз ташламаслик, меҳмонни олдига қўйилган таомлардан ҳайвонларга бермаслик, ҳамда хонадон соҳибининг рухсатисиз таомни ўзи билан олиб кетмаслик каби қоидалар мазкур фаслдан ўрин олган.

Асардаги энг катта фаслларнинг иккинчиси бу “Емак ва ичмакнинг одоблари баёнида” фаслидир. Фаслда ҳар бир шахс амал қилиши керак бўлган овқатланиш гигиенаси билан бир қаторда одоб нормалари ҳам санаб ўтилган. Хусусан, овқатдан аввал ва кейин қўлни ювиш, таомни тўйиб емасдан кам ейиш кераклиги, барча овқатларни бирдек кўриш, овқатга аввал ёши катта киши қўл узатиши, ўнг қўл билан, ўз олдидан, кам-камдан олиб, оғзини катта очмасдан ейишлик, нон ва унинг ушоқларини икром қилиш, таомни тез-тез ва шошиб емаслик, яхшироқларини ёнидагиларга илиниш, қошиқни идишга тақиллатиб қўймаслик, овқатдан сўнг идишни ва бармоқларни тозалаш ҳамда дуо қилишлик каби одобларга амал қилиш баён этилган.

Шунингдек, асарда “Сув ичмакни одоби” фаслида муаллиф томонидан сув ичишнинг одобига алоҳида тўхталиб ўтилган. Бунга мувофиқ агар ман қилувчи нарса бўлмаса сувни ўтириб, унга нафас урмасдан, уч навбат нафасда ичиш кераклиги, ичишдан олдин идишдаги сувга нарса тушмаганига амин бўлган ҳолда, идишни оғзидан ёки косанинг синган еридан сув ичмаслиги таъкидланади.

“Одоб ас-солиҳин”нинг якунловчи **еттинчи боби “Сафарнинг одоби ва унга мутааллиқ нимарсаларнинг баёни”** масалаларига бағишланган. Мазкур бобда жами 50 та қоида келтирилган. Келтирилган қоидаларнинг асосийси “Сафарнинг одоби” фаслида баён этилган бўлиб, унда сафарга кетаётган инсон эътибор бериши лозим бўлган масалалар, яқинлари билан қандай хайрлашиши, шунингдек, агар бир жамоа билан сафарга отланган бўлса ўша жамоа аъзоларига мувофиқ иш кўриши, ҳамда сафардан қайтаётганда аҳамият берилиши лозим бўлган амаллар берилган.

“Одоб ас-солиҳин” асарида қоидаларни ёритишда баъзи ўринларда ҳадислар билан қоидалар изоҳланган, шунингдек, асар матнидаги Қуръони карим сура, оятлари номлари ва айрим ҳадисларнинг ровийлари кўрсатилмаган, машҳур оят ва сураларнинг эса тўлиқ араб тилидаги матнини бермасдан, балки номи билан кифояланган. Матндаги дуоларни ажратиб кўрсатиш учун устига чизик чизилган ҳамда уларнинг арабча матни берилган, туркийга таржимаси берилмаган. “Одоб ас-солиҳин”нинг баъзи ўринларида ислом оламининг мўътабар қитобларига мурожаат этилган. Булар: “Ихё улум ад-дин”, “Ширатул ислом”, “Сирот ал-мустақим” ҳамда “Наводир ал-усул”дир.

Асар матнидаги “Эй, дарвеш” қавлидаги мурожаатдан маълум бўладики, у тариқат аҳлларига ҳам одобдан кўрсатмадир. Шу билан бир қаторда, “Одоб ас-солиҳин”даги қоидалар сони жиҳатидан энг катта фасл бу “Аҳли суҳбатга лозим нимарсаларни баёнида” бўлиб, унда жами 32 қоида келтирилган ҳамда мазкур “Аҳли суҳбатнинг одоби ва шаройити баёнида” боби эса 78 қоида билан асардаги энг катта бобдир.

Боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

- Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асари – мусулмон кишининг шахсий ва ижтимоий ҳаётида учрайдиган ҳолатларга оид меъёрий қоидалар батафсил баён этилган асардир.

- Амалга оширилиши зарур бўлган ёки истисно қилинадиган хатти-ҳаракатлар мажмуи ҳисобланган меъёрий қоида содда ва тартибли берилганлиги сабабли асар - “Шарқона ахлоқ кодекси” деб номланган. Унда ижтимоий муносабатларнинг маълум бир соҳасини тартибга солувчи, ўзаро узвий алоқадор бўлган таркибий қисмлари - боблар, бўлимлари тизимлаштирилган ҳолда бўлиб, ахлоқ нормаларининг мукамаллиги, сайқал топганлиги, барқарорлиги билан фарқ қилади.

II. БОБ. “ОДОБ АС-СОЛИХИН” АСАРИДА АКС ЭТГАН АХЛОҚИЙ МЕЗОНЛАР

2.1. Асарда келтирилган қоидаларнинг манбавий асослари

Муҳаммад Содик Қошғарий “Одоб ас-солиҳин” асарини таълиф этишда Қуръон оятлари, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари, саҳобаларнинг сўзлари (осорлар), уламоларнинг қарашлари, “Ихё улумуд-дин”, “Сирот ал-мустақим”, “Наводур-л-усул”, “Ширатул ислом” асарларига мурожаат этган. Бу ҳақида олим асарнинг муқаддимасида алоҳида қайд этиб ўтган⁷¹.

Маълумки, Қуръони карим, ҳадиси шариф, ижмоъ ва муайян фатволардаги мезонлар ҳамда талаблар мусулмон Шарқи миллатлари ахлоқий даражасининг шаклланишида катта аҳамият касб этган. Қуръони каримда мусулмонлар учун фарз бўлган масалалар баён этилган бўлса, ҳадисларда, суннат, вожиб, мустаҳаб, ҳалол, харом, макруҳ, мубоҳ, савоб, гуноҳ, имон, сабр-қаноат каби шариатга оид кўрсатмалар келтирилган.

“Одоб ас-солиҳин” асарида муаллиф томонидан мурожаат этилган манбалардан бири бу Имом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ихёу улумид-дин” китоби бўлиб, унда таваккул, ихтиёр эркинлиги, тақдир, ният, муҳаббат сингари масалалар таҳлил қилинади. Асар ўзида ибодатлар, урф-одатлар, ҳалок қилувчи ва нажот берувчи масалаларга бағишланган мавзулар ўрин олган қимматли манбалардандир.

Асарда “Ширатул ислом” деб қисқа шаклда келтирилган асарнинг тўлиқ номи “Шираътул ислом ила дар ас-салом”⁷² (“Жаннатга элтувчи ислом йўли”) бўлиб, унда мусулмонларнинг диний ва ахлоқий мажбуриятлари

⁷¹ Қаранг: “Одоб ас-солиҳин”. – Б. 223.

⁷² Бугунги кунда асарнинг 4 та қўлёзма нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 2459/I, 3735/ I, 5588, 4803/ IV инвентар рақами остида сақланмоқда.

хакида тўлиқ маълумотларни келтирилган. Мазкур асар Муҳаммад ибн Абу Бакр Муфти Бухорий (ваф. 573/1177 й.) қаламига мансуб бўлиб, олим “Имом зода” таҳаллуси билан машҳур бўлган⁷³.

Йирик зоҳидлардан бири Мажидиддин Ферузободийнинг (ваф. 817/1415 й.) “Сирот ал-мустақим” (“Тўғри йўл”) номи билан машҳур бўлган “Сифрат ас-саодат”⁷⁴ асаридаги маълумотлардан ҳам “Одоб ас-солиҳин” асаридаги қоидаларни жамлашда фойдаланилган. Асарда Пайғамбар (с.а.в.) суннатлари ҳамда ислом дини шариати кўрсатмалари баён этилган.

“Сирот ал-мустақим” асари “Фотиҳа ал-китаб” боби билан бошланган бўлиб, унда Муҳаммад (с.а.в.)нинг болаликларида содир бўлган воқеалардан то ваҳий қабул қилгунларигача бўлган даврни ўз ичига олган. Асар беш бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб фаслларга бўлинган. Унда турли диний кўрсатмаларни Пайғамбар (с.а.в.) суннатларига мувофиқ амалга ошириш тартиби берилган. Китобнинг хотима қисмида саҳоба ва тобеинларнинг осорлари келтирилган. Мазкур асарга Абдулҳақ ибн Сайфиддин ибн Саъдулла Турк Деҳлавий Бухорий (ваф. 1052/1642 й.) шарҳ ёзган⁷⁵.

Минтақада тасаввуф тариқатларининг кенг тарқалиб ривожлангани боис, асардаги қоидаларни жамлашда муаллиф тасаввуф таълимоти асослари шаклланишига улкан таъсир кўрсатган Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.)нинг “Наводир ал-усул” асаридаги маълумотлардан ҳам фойдаланган. Асарнинг тўлиқ номи “Наводир ал-усул фи маърифат аҳодис ар-расул” бўлиб, ушбу асар “Салват ал-орифин ва бустон ал-мувахҳидин” – “Орифлар тасаллиси мўминлар бўстони” номи билан ҳам танилган. Ҳаким Термизийнинг “Наводир ал-усул” асари энг машҳури бўлиб, қўлёзма нусхалари энг кўп тарқалган асарларидандир⁷⁶. IX асрда яратилган ушбу асар тилининг соддалиги, мавзулар қамровининг кенглиги, ҳадислар ва масалалар

⁷³ Қаранг: СВР. – Т.: Академия наук, 1957. Т. 4. – Б. 349.

⁷⁴ Асарнинг 3 та қўлёзма нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 2503, 1755, 8835 инвентар рақамлари остида сақланмоқда.

⁷⁵ Қаранг: СВР. – Т.: Академия наук, 1957. Т. 4. – Б. 377. ЎзРФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида асарнинг 5 та қўлёзма нусхаси 4477, 3803, 896, 4311, 4339/1 инвентар рақамлари остида сақланмоқда.

⁷⁶ Усмонов И. “Наводиру ал-Усул” ҳикматлари. – Т.: Фан, 2009. – Б. 79.

моҳиятини ҳикматлар воситасида очиб бериш услубидан самарали фойдаланганлиги, ўзига хос талқинларга бойлиги билан барча даврларда ҳам жуда кенг истифода этилган. Ҳозирги даврда жаҳон кутубхоналарида ушбу китобнинг кўплаб нусхалари сақланаётгани ҳам фикримизнинг исботидир. “Наводир ал-усул” – ҳадислар тўплами ҳамда уларга битилган шарҳ ва талқинлардан иборат асар ҳисобланади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, ушбу асарда келтирилган ҳадислар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий каби машҳур муҳаддисларнинг “энг ишончли” деб эътироф этилган ҳадис тўплamlари билан деярли бир вақтда жамланган. Бу асарда буюк муҳаддисларнинг тўплamlарига киритилмаган айрим ҳадислар матн сақланган фақат бошқа санад (ровийлар силсиласи) орқали ривоят қилинади. Мазкур асарда келтирилган ҳадислар ва уларнинг талқинлари, албатта, аҳолининг зиёли қатлами учунгина эмас, балки оддий омманинг ҳам маънавий эҳтиёжини қондиради⁷⁷.

“Одоб ас-солиҳин”да Қуръон оятлари асосида келтирилган қоидалар қуйидагилар:

“Истиъзон” фаслидаги *“Эшикнинг орқасидин анга салом беруб айтгайки, ичкари кирайму?”* ва *“Киришга изн бермаса кўп илҳоҳ қилмағай. Эшикдин тез қайтгай”* қоидалари “Нур” сурасининг 27-28-29 оятларига мувофиқдир: *(Эй имон қелтирганлар! Ўз уйларингиздан ўзга уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча қирмангиз! Мана шу сизлар учун яхшидир, зора, (бу гапдан) эслатма олсангизлар. Бас, агар у (уй)ларда ҳеч қимни топмасангизлар, унда то сизларга изн берилмагунча уларга қирмангиз! Агар сизларга “қайтинглар” дейилса, қайтиб қетаверинглар!*⁷⁸).

Калда ибн Ҳанбалдан ривоят қилинган ҳадисда ҳам мазкур ҳолатга тўхталиб ўтилган: “Сафвон ибн Умайя уни Макка фатҳида сут, оҳу ва бодринг (Абу Осим: яъни, полиз экини, деди) ила Набий с.а.в.га юборди. Ўша пайтда Пайғамбар (с.а.в.) водийнинг тепасида эдилар. Салом ҳам

⁷⁷ Усмонов И. Ўзбек урф-одатларининг диний манбалардаги асослари. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. - Тошкент, 2009. - №3. – Б. 175.

⁷⁸ Қуръони карим маънолари таржимаси ва тафсири. – Б. 352.

бермай, рухсат ҳам сўрамай кирдим. Шунда у зот: “Орқангга қайт! Ассалому алайкум, кираверайми, дегин”, – дедилар”⁷⁹.

Шунингдек, “Саломнинг одоблари” фаслидаги *“Саломни бу сийға бирла адо қилгайки “ассалому алайкум” ё “ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху” дегай, аммо “ассалому алайка” ё “саломун алайкум” демагай”* ва *“Уламои ислом раҳимаҳуллоҳу таолони қавлларидаги жавобни бергай, чунончи “ва алайкуму ас-салам” ё “ва алайкуму ас-саламу ва раҳматуллоҳи ва баракотуху”* деб бериш кераклиги қондаси Нисо сурасининг 86-ояти асосида белгиланган: *(Қачон сизларга салом беришса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинг ёқи ўша саломнинг ўзини қайтаринглар.)*⁸⁰. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисда ҳам шу масала ўз ифодасини топган. “Бир киши Расулуллоҳ с.а.в.нинг мажлисларининг олдидан ўтиб кетаётиб: “Ассалому алайкум”, – деди. “Ўнта савоб”, – дедилар. Бошқа бир киши ўтаётиб: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи”, – деди. “Йигирмата савоб”, – дедилар. Яна бошқа киши ўтаётиб: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху”, – деди. “Ўттизта савоб”, – дедилар. Бир киши мажлисдан туриб, салом демай кетди. Шунда Расулуллоҳ с.а.в.: “Мана шу биродарингиз жуда муҳим нарсани унутди. Бирортангиз мажлисга келса, салом берсин. Ўтиргиси келса, ўтирсин. Қачон турадиган бўлса, салом берсин. Биринчиси иккинчисидан афзал эмас”, – дедилар”, дейилади. Маълум бўладики, бирор мажлисга салом бериб кириш лозим ҳамда саломни қанча гўзал берса унга олинадиган савоб шунча юқори бўлади.

Асарда Қуръон оятларидан олинган дуо ва тасбеҳлар ҳам мавжуд бўлиб, бунга “Йўл юрмоқнинг одоблари” фаслидаги *“Жойидин чиққон вақтда кўзи агар осмонга тушса бу оятни ўқиғай”*, деб Оли Имрон сурасининг 191 ояти, *“От минмоқ одоблари баёни”* фаслидаги *“Оёғини узанкуга қўйгон вақтда бу тасбеҳни айтгай”* деб Зухруф сурасининг 13-14

⁷⁹ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб Ал-Муфрад. – Байрут: Дар ибн Касир, 2007. – Б. 833. (Бундан кейин: Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад).

⁸⁰ Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. – Б. 92.

оятлари⁸¹, “*Агар от саркаш бўлса бу оятни отни қулогига ўқизай*” деб Оли Имрон сурасининг 83 ояти⁸², “*Аҳли мусибат одоблари баёни*” фаслидаги “*Агар бир киши эшитса биродари мўминни вафотини айтғой (Инна лиллоҳи ва инна илайҳи роҷиун) деб*” Бақара сурасининг 156 ояти ҳамда “*Мулоқот одоби баёни*” фаслида “*Мусофаҳа вақтида ҳамду сано ва талаби мағфират ҳам қилгайлар (Эй, Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, оҳиратда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин*⁸³) деб” Бақара сурасининг 201 ояти келтирилади.

Ҳадислар асосида киритилган қоидалар сарасига:

“Истиъзон” фаслидаги “*Ҳар ким бир кишини эшигига боруб кирмак истаса, аввал ул кишига ўзини келганини эшикни орқасидин билдургай. Ушбу тариқадаким, эшикни оҳиста қоқгай ё сурфа қилгай*” қоидаси Абу Айюбдан ривоят қилинган: “Эй Аллоҳнинг Расули, “то изн сўрамаганингизгача ва эгаларига салом бермаганингизгача” ояти ҳақида нима дейсиз. Салом беришнику биламиз, рухсат сўраш қандай бўлади, дедим. У зот: “Уй аҳли рухсати учун эшикка келган киши тасбеҳ, такбир, тамҳид айтади, томоғини қиради” дедилар” мазмунидаги ҳадис ҳам ушбу қоидага асос бўлиб хизмат қилган.

“*Эшикнинг орқасидин анга салом беруб айтгайки, ичкари қирайму? Бу изн тиламак то уч мартабагачадур*” қоидаси Абу Мусодан ривоят қилинган ҳадисда ҳам ўз тасдиғини топган: Абу Саид Худрий ёки Абу Масъуд айтди: “Биз Пайғамбар с.а.в. билан чиқдик. У зот Саъд ибн Убодани ирода қилдилар. Уникига бордилар ва салом бердилар. Ул зотга изн берилмади. Сўнг иккинчи марта салом бердилар. Кейин учинчи марта. Ул зотга изн берилмади. Шунда у зот: “Биз зиммамиздагини бажардик”, – деб орқаларига қайтдилар”⁸⁴.

⁸¹ Қаранг: Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. – Б. 490.

⁸² Ўша манба. – Б. 60.

⁸³ Ўша манба. – Б. 31.

⁸⁴ Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Б. 827.

“Саломнинг одоблари” фаслидаги *“икки мўъмин бир-бирига қоршу келсалар, хоҳ ошно ва хоҳ ноошно, салом беришгайлар”* қоидаси Абдуллох ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда қуйидагича ифодаланади: Бир киши Расулуллох (с.а.в.)дан: “Исломдаги қайси амал яхши?” деб сўраганида, у зот: “Қорни очларни тўйдиришинг ҳамда таниган ва танимаганингга салом беришинг”, дедилар⁸⁵;

Асардаги *“Салом бермак суннатдур. Жавоби фарзи айндуру”* жумласи эса Ҳасандан ривоят қилинган машҳур ҳадис асосида келтирилган⁸⁶.

Салом беришдаги яна бир қоида *“Баланд салом бергайки, ул тараф эшитгай ва жавобни ҳам салом бергувчига эшиттургай”* ибораси Собит ибн Убайддан ривоят қилинган: “Абдуллох ибн Умар ўтирган мажлисга келдим. У киши: “Қачон салом берсанг, эшиттириб бер, чунки салом Аллох таоло томонидан келган муборак, пок табриқдир”, – деди” ҳадисига мувофиқдир⁸⁷.

“Саломнинг одоблари” фаслининг еттинчи қоидасида *“Улуғ кичикка ва отлиғ пиёдага, юргучи ўтиргучига, хўжа қулига ва биби канизга ва оз кўпга салом бергайлар”* қоидаси ўз асосини Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадисдан топган⁸⁸.

Баро ибн Озибдан ривоят қилинган ҳадисда: “Саломлашиш биродарларингизнинг қўлини олишингиз билан мукамал бўлади”⁸⁹ – дейилган. Мазкур ҳадис матнига биноан асарнинг **“Муонақа”** фаслида *“Мулоқотда мусофаҳа қилгайлар”* деб қоида тарзида белгиланган.

Сафардан келган яқин кишилари билан кучоқлашиб кўришиш мумкинлиги “Муонақа” фаслининг биринчи қоидасида келтирилади. Мазкур кўрсатманинг қоида тариқасида келтирилишига қуйидаги ҳадис мисол бўла олади: “Оиша (р.а.) айтадилар: Зайд бин Ҳориса Мадинага келганларида Расулуллох (с.а.в.) менинг уйимда эдилар. Зайд ибн Ҳориса келганларини билдириб, эшикни тақиллатдилар. Пайғамбаримиз хурсандилигидан ҳатто

⁸⁵ Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Б. 793.

⁸⁶ Ўша асар. – Б. 808.

⁸⁷ Ўша асар. – Б. 790.

⁸⁸ Ўша асар. – Б. 784.

⁸⁹ Ўша асар. – Б. 765.

ридоларини ҳам елкага олмасдан югуриб чикиб, Зайдни кучоқлаб, пешонасидан ўпдилар”⁹⁰.

“Одоб ас-солиҳин” асари ҳар бир инсоннинг кундалик эҳтиёжларида зарурий ҳисобланган одоб қоидаларини ўзида мужассам этганлиги сабабли унда **ухламок, либос киймок, йўл юрмок ва от минмок одобларига** кенг тўхталиб ўтилган. Бунга кўра, *“Ухламакни қасд қилган вақтда эшикларни маҳкам қилгай ва зарфларни оғзуни беркутгай ва тўшагини енги бирла ё ридо бирла сунургай ва фирошини уч маротаба силкитиб солгай ва ўт ва чирогини ўчиргайки бу барчаси суннатдур”* мавзuidaги кўрсатмаларнинг қоида тариқасида ифодаланишига Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган ҳадис мисол бўла олади: “Расулуллоҳ с.а.в.: “Эшикларни беркитинг. Мешларни боғланг. Идишларнинг устини ёпинг. Чироқларни ўчиринг. Бас, шайтон беркилганни оча олмас. Идишларни очолмас.” – дедилар” ҳамда *“Қўлини такая қилгон вақтда бу дуони ўқигай “Бисмика роббий вазаъту жамбий ва бика арфаъуху, ан амсакта нафсий фарҳамҳа ва ин арсалтаҳа фаҳфазҳа бима таҳфазу биҳи ъибадакас-солиҳин”* қоидаси Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилинган ҳадисга мувофиқдир: “Расулуллоҳ (с.а.в.): “Киши тўшакка ётаётганида кўрпа ва изорини қоқиб ташласин. Чунки унинг орасида нима борлигини билмайди. Сўнг: “Бисмика роббий вазаъту жамбий ва бика арфаъуху, ан амсакта нафсий фарҳамҳа ва ин арсалтаҳа фаҳфазҳа бима таҳфазу биҳи ъибадакас-солиҳин”, деб айтсин” дедилар⁹¹. Мазкур ҳадисларда қилинаётган амалларнинг якуний натижаси нима эканлиги ҳам баён этилган, аммо муаллиф буларни матнда келтирмаганининг сабабини ҳадислар инсон ҳаёт таризига ажралмас одат сифатида сингиб кетганлигидан деб изоҳлаш мумкин.

Уйғонгандан кейин *“Уйқудун тургон вақтда бу калимоти ҳамдони тилига жорий қилгай “Алҳамду лиллаҳил-лази аҳйана баъда ма аматана ва*

⁹⁰ Бухорий ва Муслим ривоятлари.

⁹¹ Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Б. 926.

илайҳи баъсу ва-н-нушур” деб айтиладиган дуонинг матни Ҳузайфа ибн Ямон (р.а.) ва Абу Заррдан (р.а.) ривоят қилинган ҳадисга мувофиқдир⁹².

Инсон ёмон туш кўрганда ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақидаги қоидада: *“Ёмон ва паришон туш кўрса, ҳеч кимга изҳор қилмағай ва андин паноҳ тилағай, бу тариқаки, аввал уч маротаба оғзининг сувидин чап қўли тарафига туфлаб ташлағай, андин сўнг паноҳ тилағай “Аллоҳумма инний аъзузу бика мин ғамалиш-шайтони ва саййиатил-аҳлами” деб ул кўргон туши анга ҳеч зарар қилмағай”* дейилади. Мазкур қоида Ибн Суннийдан ривоят қилинган ҳадисда ҳам ўз ифодасини топган⁹³.

“Йўл юрмоқнинг одоблари” фаслининг “Уйидин бир ишга юзланиб чиқорда бу дуони ўқиғай “Бисмиллаҳи таваккалту ғалаллоҳ ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ” қоидаси Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадисда қуйидагича келтирилади: “Набий (с.а.в.) уйларида чикаётганларида: “Бисмиллаҳ, Аллоҳнинг ўзига таваккул қилдим, Аллоҳдан бошқада куч ва қувват йўқ”, – дер эдилар”⁹⁴.

Йўлда юрганда:

– *“Икки оёғига кавш кийғай ё иккаласи яланг бўлғай, бе узр бир кавш, бир маҳси ё бир муза бирла юрмағайки, бу ҳислатлар макруҳдур”* қоидаси Абу Ҳурайра (р.а.)нинг бирортангиз бир пой оёқ кийимда юрманг, иккаласини кийинг ёки иккаласини ечиб юринг мазмунидаги ҳадисда ифодаланган. “Сунан Термизий”нинг шарҳи Тухфатул Аҳфазийда Оиша (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда “Набий (с.а.в.)нинг баъзан бир пой оёқ кийимда юрганлар”, дейилган. Мазкур ҳадиснинг шарҳида айтилишича, бу ҳадисдаги ҳолат зарурат юзасидан ёки Пайғамбарнинг қайтариқлари харом даражасида эмаслигига ишоратдир” дейилади⁹⁵;

⁹² Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Б. 913.

⁹³ Абу Ҳурайра р.а. бундай деганлар: “Агар бирортангиз ўзи ёқтирмаган туш кўрса, уч марта туфлаб: “Аллоҳумма инни аъзузу бика мин ғамалиш-шайтони ва саййиатил-аҳлами”, деса, унга ҳеч нарса бўлмайди.

⁹⁴ Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Б. 904.

⁹⁵ Имом Ҳофиз Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим Ал-Муборакфурий. Тухфат ал-Аҳфазий. – Қоҳира: Дар ал-ҳадис, 2001. Ж 5. – Б. 250.

“Йўлда агар бир мубтало бандани, яъни барас ё жизомни кўрса, дегайки “Алҳамду лиллаҳилазий ъафани амма ибталани биҳи ва фаззалний ъала касирин мимман холақа тафзийла”. Ҳар киши бу тариқа ҳамд ва сано айтса, мубталони кўрганда ҳаргиз ул балога мубтало бўлмағай” қоидаси Абу Хурайрада (р.а.) ривоят қилинган ҳадиснинг матнида айнан келтирилгандир⁹⁶.

“Аҳли суҳбатга лозим нимарсалар баёни” фаслидаги “Мажлисда икки кишини ўртасига беризо бориб ўлтурмағай” қоида Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинган: “Набий с.а.в.: “Ҳеч кимга икки кишининг орасини ажратиш ҳалол эмас. Илло, иккисининг изни ила”, – дедилар”⁹⁷ мазмунидаги ҳадис асосида белгиланган.

Мажлисда кимдир аксирса “Атсадан сўнг ҳамд этгайки “Алҳамдулиллаҳи Роббил оламин” деб. Афзал улдурки “Алҳамдулиллаҳи ала кули ҳол” дегай.” Ва “Атсани ҳамдини эшитгучи киши “ярҳамукумуллоҳ” ё “ярҳамукаллоҳ” дегай” қоидасига Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисга мувофиқдир. Унда айтилишича: “Ким акса урса, “Алҳамдулиллаҳи Роббил оламин” десин. Буни эшитганлар “Ярҳамукаллоҳ” десинлар. Акса урган киши бунинг жавобига “Яғфируллоҳу ли ва лакум (Аллоҳ мени ҳам, сизларни ҳам мағфират қилсин)”⁹⁸, дейилган⁹⁹.

“Агар атса бергучи ҳамд айтмаса, эшитгучига суннат улдурки жавоб бермағай” деб белгиланган ўн еттинчи қоидага Абу Хурайрадан ривоят қилинган ҳадис далил бўлади: “Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларида ўтирган эдик. Бир киши акса уриб “Алҳамдулиллаҳ” деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга “Ярҳамукаллоҳ” дедилар. Сўнг бошқа бир киши ҳам акса урди ва унга ҳеч нарса демадилар. Бас, у: “Ё, Расулуллоҳ! Бошқага жавоб қайтардингиз менга

⁹⁶ Расулуллоҳ (с.а.в.): “Кимки (ногиронлик ва беморлик ила) балоланган кишини кўриб, “Алҳамду лиллаҳилазий ъафани амма ибталаний биҳи ва фаззалний ъала касирин мимман холақа тафзийла”, деса, унга ана шу бало етмайди”, дедилар. Термизий ривояти.

⁹⁷ Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Б. 866.

⁹⁸ Ўша асар. – Б. 730.

⁹⁹ Ўша асар. – Б. 765.

хеч нарса демадингиз!” – деди. “У Аллоҳга ҳамд айтди. Сен сукут сақладинг”, – дедилар”¹⁰⁰.

Шунингдек, “*Атса агар мукаррар бўлса, дурустроқ қавл улки, учунчи атсада анга “зуком бўлибсузму” дегай*” қоидаси: “Бир киши Набий с.а.в. хузурларида акса урди. Набий с.а.в. “Ярхамукаллоҳ” дедилар. У киши яна кетма-кет акса урди. Шунда Набий с.а.в.: “Бу киши тумов бўлиб қолибди-ку”, – дедилар”¹⁰¹, мазмунидаги ҳадис асосида ишлаб чиқилган.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган “Кимни эсноқ тутса, иложи борича уни ютсин”, деган ҳадиси асарда “*Сухбатда хамёза тортмагай, ҳатто имкон ани дафиъга кўшиши қилгай*” қоидасида ифодаланган¹⁰².

“Ийодати мариз” фаслининг биринчи қоидасида “*Ошнолардин ҳар қайси маризни бориб ҳолини сўрагай*” деб белгиланган. Мазкур ҳадис Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадис асосида белгиланган: “Расулуллоҳ с.а.в.: “Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи бештадир”, – дедилар. “Улар қайсилар?”, – дейилди. “Қачон учратсанг, унга салом бер; даъват қилса, ижобат қил; насихат сўраса, насихат қил; акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса, ташмит айт; касал бўлса, зиёрат қил; вафот этса, жанозасида иштироқ эт”, – дедилар”¹⁰³.

Беморнинг динидан қатъий назар зиёрат қилиниши “*Мариз агарчи кофир бўлса ҳам ийодат қилгайки, жоиздур. Башартики, нияти ва қасди андоғ бўлсаки, исломга далолат қилгаймен деб. Аммо қаттиқ ошно бўлсун деб, ё улфат бўлсин деб кофирни иёдат қилмагайки, бу макруҳдур ва мамнӯдур. Ва анинг сўрар ҳолида дуо қилгай ҳидоят тобгай деб*”, тарзида келтирилади. “Одоб ас-солиҳин”даги бу қоидага Анасдан ривоят қилинган ҳадисни мисол қилишимиз мумкин. Унда айтилишича: “Набий с.а.в.га бир яхудий бола хизмат қилиб юрар эди. У бемор бўлиб қолди. Шунда Набий с.а.в. уни кўргани келдилар. Унинг бош томонига ўтирдилр ва: “Мусулмон

¹⁰⁰ Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Б. 727.

¹⁰¹ Ўша асар. – Б. 732.

¹⁰² Ўша асар. – Б. 734.

¹⁰³ Ўша асар. – Б. 783.

бўл”, – дедилар. Шунда бола отасига каради. Отаси ҳам унинг бош томонида турар эди. Ота унга: “Абулқосим (с.а.в.)га итоат қил!” – деди. Шунда у мусулмон бўлди. Набий с.а.в. “Буни дўзахдан қутқарган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин!” – дея чиқдилар”¹⁰⁴.

Касални олдига борган инсон ўзини қандай тутиши кераклиги “*Касални олдига киргон вақтда кулуб кириб бошига яқин ўлтургай*” ва тўртинчи қоидада “*Касалга айтғой “ла баъса каффоратун таҳурун иншааллоҳу таоло” деб, яъни ҳеч боки йўқ, бу касаллик каффоратдур гуноҳларга ва пок қилғучидир гуноҳлардин, агар Худойи таоло хоҳласа*” деб баён этилади. Мазкур қоидаларда белгиланган мезонлар Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадисларда ҳам келтирилади. Унга кўра: “Набий с.а.в. бирор беморни кўргани борганларида унинг бош тарафида ўтирар ва етти марта: “Асалуллоҳал Азийм, Роббал аршил азийм ан йашфийака”, дер эдилар. Агар унинг ажали етмаган бўлса, тузалиб кетар эди”¹⁰⁵ дейилади. Шунингдек, Ибн Аббосдан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда қуйидагича берилган: “Набий с.а.в. бир аъробийни кўргани кирдилар. Одатда, Набий с.а.в. касал кўргани кирсалар: “Ҳечқиси йўқ, иншааллоҳ, покизалик”, – дер эдилар...”¹⁰⁶.

Ўлим тўшагида ётган беморларга “*Ҳолати рихлатда калимайи тойиба “Ла илаҳа иллаллоҳ”ни кўб айтғой*” деб кўрсатма берилган. Бу эса ўз навбатида Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилган қуйидаги ҳадисга мувофиқ: “Абу Ҳурайра ва Абу Саид Худрийлардан (р.а.) ривоят қилинади. Расулуллоҳ с.а.в. ўлим тўшагида ётганларга “Ла илаҳа иллаллоҳ”ни айтиб туришни буюрдилар”.

“Меҳмондорчилик одоби баёни” фаслининг биринчи қоидасида “*Фуқарони меҳмон қилгай ва бойларнинг зиёфатга тахсис қилмгайки, Пайғамбар алайҳиссалом айтубдурлар “ёмон таомдур ул таомки бойларни хос чақуриб берилса ва қашшоқларни чақурмаса”* – деб Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадис келтирилган.

¹⁰⁴ Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Б. 419.

¹⁰⁵ Ўша асар. – Б. 429.

¹⁰⁶ Ўша асар. – Б. 423.

Меҳмондорчиликнинг иккинчи қоидасида “*Меҳмонни ҳўб икром ва эҳтиром қилгай ва меҳмоннинг икромининг муддати уч кунгачадур. Тўртинчи кун қўб таклиф қилмаса ҳам бўлур*”, дейилган. Мазкур қоида Абу Шурайх Адавийдан ривоят қилинган ҳадисга мувофиқдир: “Набий с.а.в.нинг қўйидагиларни айтаётганларини икки қўлоғим эшитган ва икки кўзим кўрган: “Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, ўз қўшнисини ҳурмат қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин, мукофотини берсин”, – дедилар. “Мукофоти нима, ё Расулуллоҳ?” – деди. “Мукофот бир кечаю бир кундуз. Зиёфат уч кун. Ундан кейин садақадир. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин”, – дедилар”¹⁰⁷.

“Меҳмоннинг соҳиби хонага қиладурғон одоблари баёни”
фаслининг иккинчи қоидасида “*Ижобат қилгай рўзадор бўлса ҳам. Билгимким, никоҳ учун қилгон таомга чақурсалар баъзи уламолар ижобатни вожиб деб дурлар, баъзи уламо мустаҳаб дерлар ўзга даъватга ўхшаши, бас агар кимса беузри шаръий бормаса гуноҳкор бўлмас ва мухтор ушбу қавлдур*” деб келтирилади. Абдуллоҳ ибн Умар р.а. ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ с.а.в.: “Агар даъват қилинсангиз, унга ижобат қилингизлар!”– дедилар”. Абдуллоҳнинг ўзлари тўй ва шу қабилага даъват (таклиф) қилинсалар, рўза бўлсалар ҳам, борар эдилар”¹⁰⁸ ҳадислари асосида белгилангандир.

Тўртинчи қоида: “*Чақурмасдин бир кишини таомини устига бормагай ва агар икки киши чақургон бўлсалар, қайсиси ҳамсояликда яқинроқ бўлса, аввал анга боргай ва агар баробар чақургон бўлсалар, қайсиларининг ошнолиги кўброқ бўлса, аввал анга боргай. Ва яна адаб ушбурки, чақирилмаган кишини қўшиб олиб бормагайки, макруҳдур беизн соҳиби таом ва агар ўзи қўшилиб борса, чақирилган кишини орқасидин соҳиби таомнинг эшигига келганда этгойки, бу киши ўзи келди, агар изн бўлса кирсин ва илло қайтсун, дер*” деб белгиланган. Саҳоба Абу Масъуд Бадрийдан ривоят

¹⁰⁷ Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Б. 586.

¹⁰⁸ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ Бухорий. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. 74 боб. 2 Ж. – Б. 250.

килинган ҳадис мазкур қоидага далилдир: “Бир киши уйида овқат тайёрлаб, Пайғамбарга: “Ўзингиз билан тўртта ҳамроҳ олиб, беш киши бўлиб бизникига келинг”, деб таклиф қилди. Йўлда уларга бир мискин эргашиди. Мезбоннинг эшигига етиб келишганда, Пайғамбар: “Эй фалончи, бу киши бизга йўлда эргашиди. Рухсат берсанг киради, рухсат бермасанг қайтиб кетади”, дедилар. Уй эгаси: “Ё, Расулуллоҳ, рухсат бераман, кирсин”, деди” (Бухорий ва Муслим ривояти).

“Емак ва ичмак одоблари баёни” фаслининг ўн биринчи қоидасида *“Бисмиллаҳ дегай ибтидода”* деб келтирилади. Умар ибн Абу Салама ривоят қиладилар: “Мен Расулуллоҳ с.а.в.нинг бағирларида парвариш топаётган бир бола эдим. Овқат еяётганимизда қўлимни лаганнинг дам у ёғига, дам бу ёғига узата бошлагандим, ул зот менга: “Эй бола, Аллоҳ таолонинг исмини айтиб, ўнг қўлинг билан ўз олдингдан егил!” – дедилар¹⁰⁹” ҳадисини мазкур қоидага далил қилиб келтириш мумкин.

Шунингдек, *“Ва агар бир киши ибтидода бисмиллаҳни унутса ва таом ўртасида ёдига келса, айтғой “бисмиллаҳи фий аввалиҳи ва охириҳи”* мазмунидаги қоида эса Абу Довуд ва Термизийлардан ривоят қилинган қуйидаги ҳадис орқали белгилангандир: “Оишадан р.а. ривоят қилинади. Расулуллоҳ с.а.в.: “Агар сизлардан бирингиз (овқат) ейдиган бўлса, ана шу таомнинг аввалида Аллоҳ исмини зикр қилсин (яъни, Бисмиллаҳни айтсин). Агар аввалида Аллоҳ исмини зикр этишни унутса, “бисмиллаҳи фий аввалиҳи ва охириҳи”, деб айтсин”, дедилар.

Овқатланаётганда *“Ҳеч таомни мазаммат қилмағай”* қоидаси Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадис манба бўлиб хизмат қилган: “Пайғамбаримиз ҳеч вақт таомни ёмонламас эдилар. Иштаҳалари тортса ер эдилар, тортмаса емасдилар. Таомни ёмонлаш гуноҳ бўлгани учун ҳар доим мақтар эдилар”.

¹⁰⁹ Имом Абу Ҳусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Кушайрий ан-Найсабурий. Саҳиҳ Муслим. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1998. Ж 3. – Б. 331.

Ўн тўққизинчи қоидада келтирган *“Таомни танҳо емагай, агар имкони бўлса, чироки кўп қўл таомга жам бўлмоқи сабаби баракати таомдур”* одоб масаласи Абу Довуддан ривоят қилинган ҳадисда ўз ифодасини топган: “Бир куни бир қанча саҳобалар овқатга тўймаётганликларидан шикоят қилиб, Расулуллоҳ ёнига келдилар. Расулуллоҳ улардан: “Ҳар бирингиз уйларида ёлғиз овқат еяётган бўлсанглар керак, тўғрими?” – деб сўрадилар. Улар “ҳа” деб жавоб беришди. Шунда Расулуллоҳ: “Кўпчилик бўлиб, “бисмиллаҳ” деб овқатланинглар, Аллоҳ барака беради”, дедилар.

Овқатланиб бўлгандан сўнг *“Бармоқларини ва зарфи таомни хўб ялагай ва таомдин фориғ бўлгондин сўнг, яламасдин қўлини ювмагай”* қоидаси Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган қуйидаги ҳадисда ўз ифодасини топган: “Пайғамбар с.а.в.: “Биронгангиз таом ейдиган бўлсангиз, овқатни еб бўлгач, бармоқларингизни ялаб, кейин сочиққа артинглар” – дедилар”.

Шунингдек, *“Таомдан фориғ бўлгондин сўнг ҳамд айтгай “алҳамдулиллаҳиллазий атъамана васақана важаъална минал муслимин”* қоидасининг манбаи Абу Саид Худрий р.а.дан ривоят қилинган ҳадисдир: “Расулуллоҳ с.а.в. агар овқат еб бўлсалар, “алҳамдулиллаҳиллазий атъамана ва сақана ва жаъална минал муслимин”, деб айтардилар.”¹¹⁰.

“Сув ичмак одоблари баёни” фаслидаги *“Уч нафасни ҳар қайсисини аввалида “бисмиллаҳ” ва охирида “алҳамдулиллаҳ” дегай. Сувни ичгандан сўнг бу ҳамдни айтгайки “Алҳамдулиллаҳиллазий жаалаҳу азбан фуротан валам йажъалҳу милҳан ужожан би-зунубина”*, бўлимидаги ҳамднинг асосини **“Ихё улум ад-дин”**дан олгани матнда қайд этилган¹¹¹.

“Емак ва ичмакнинг одоблари баёни” фаслидаги *“Ходимга адаб улдурки, таомдан илгари таитни аввал ўнг қўл тарафдан аҳли мажлиснинг кичикларининг олдида қўйиб, илини ювдиргай ва ушбу ўнг тарафдан бошлаб, тамом аҳли мажлисни қўлига сув қуйгай. Ва таомдан сўнг аввал аҳли*

¹¹⁰ Имом Абу Хусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Кушайрий ан-Найсабурий. Саҳиҳ Муслим. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1998. Ж 3. – Б. 333.

¹¹¹ Қаранг: Мухаммад Содик Қошғарий. Одоб ас-солиҳин. – Б. 267.

мажлисининг улуғларини қўлига сув қуйгай, андин сўнг ўнг тарафга тортгай.”
қоидасининг манбавий асоси сифатида матнда **“Ширатул ислом”** асари келтирилади¹¹².

“Аҳли мусибат одоблари баёни” фаслидаги *“Дафндин сўнг жам бўлиб ўлтирмоғлиқ ва Қуръон ўқимоғлиқ ва хатми сура қилмоғлиқ, хоҳ қабрни бошида ё ўзга жойда бидъатдур, аммо таом тортиб бериб аҳли мусибатни уйига юбормоқлик мустаҳабдур ва қабрни устига пишиқ гишт ва тош ва мунга ўхшаш нимарсалар бирла қубба ва иморат қилмоғлиқ ва чирог ёқмоқлик бу барчаси бидъатдур”* сўзларининг асоси сифатида олим томонидан Мажидиддин Ферузободийнинг **“Сирот ал-мустақим”** асарига мурожаат этилган¹¹³.

“Ухламакнинг баёнида” фаслидаги *“Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айдиларки, ҳар киши қасди хўб қилгон вақтда бу дуоники “аъзуз бикалиматил-л-лаҳи тааммати мин ғозабиҳи ва иқобиҳи ва мин шарри ъибадиҳи ва мин ҳамазатиҳи-шайатийни ва ан йаҳзуру” ўқуса ҳеч нимарсадин уйқуда анга зарар етмагай ва агар ёш бачани битиб гарданига боғласа, ул бачага ҳеч зарар еткучи зарар еткурмас”* сўзларининг асоси сифатида олим Ҳаким Термизийнинг **“Наводиру-л-усул”** асарига ишора қилади¹¹⁴.

Олим “Одоб ас-солиҳин” асарини жамлашда аввало Қуръон оятлари, сўнгра ҳадислар ҳамда асар ёзилгунга қадар ислом оламида ўзининг қимматини йўқотмаган асарларда келтирилган маълумотлардан фойдаланган.

“Одоб ас-солиҳин” матнида жами 9 та Қуръон ояти ва 17 ҳадис келтирилган бўлиб, тадқиқотда мазкур Қуръон оятлари ва сураларнинг рақами аниқланди. Асардаги қоидаларнинг ҳадислар асосларини муайян даражада аниқланди. Диссертация доирасида асар матнида келтирилган ҳадислардан ташқари 40 та ҳадис далил сифатида қоидаларнинг асоси деб берилди.

¹¹² Қаранг: Мухаммад Содиқ Қошғарий. Одоб ас-солиҳин. – Б. 261.

¹¹³ Қаранг: Ўша асар. – Б. 255.

¹¹⁴ Қаранг: Ўша асар. – Б. 264.

2.2. Китобдаги тасаввуф тариқатларига оид ахлоқ қоидалари

Халқимиз маънавий-ахлоқий ҳаётининг мезони ва негизларидан бири бўлиб келган ҳамда кишиларни комиллик даражасига етказишга хизмат қиладиган таълимотлардан бири тасаввуфий қоидалар бўлиб, у кишиларни соғлом эътиқод, юсак маънавият, ирфоний тафаккур, маърифат ва маданиятга чорлайдиган ва тарбиялайдиган одоб-ахлоқ мажмуи бўлгани билан ҳам эътиборга молик.

Марказий Осиёда нақшбандия, яссавия, қодирия, нурия тариқатларининг муридлари, мухлислари тарқалган. Айниқса, нақшбандия тариқати минтақада кенг тарқалгани маълум. Нақшбандия таълимоти моҳияти, одоблари, унинг намояндалари ҳаётига бағишланган қўлёзма манбаларнинг кўплиги ҳам шундан далолат беради.

Шундай асарлардан бири ҳисобланган Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асарида қоидалар кўлами бўйича энг катта боблардан бири бу **“Аҳли суҳбатнинг одоби ва шаройити баёнида”** боби бўлиб, у “Машойихи тариқат қоддасаллоҳу таоло арваҳаҳум суҳбатларининг одоби зоҳирлари баёни”, “Одоби маънавий баёни”, “Аҳли суҳбатга лозим нимарсаларни баёни” ва “Баъзи атвор ва аҳвол зикри” фаслларида иборат.

Тариқатларда пир-мурид муносабатларига оид муайян атамалар мавжуд бўлиб, улар: пир – тариқатда шу тариқат асосчиси бўлган мутасаввифга айтилса, шайх деб – тариқат йўлига кирганларни тариқатнинг сайру сулук асосларига кўра вояга етказиш ва уларни синаш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланади, уни муршид ҳам дейилади. Тариқатга кирмоқчи бўлган, аммо ҳануз тариқатга қабул қилинмаган инсонни толиб деб номланади, истаги қабул этилиб, тариқатга олинганни эса мурид дейилади. Солик эса сайру сулукни давом эттираётганлардир¹¹⁵. Ҳар тариқатга кирмоқчи бўлган мурид, шайхнинг ҳузурида авваламбор тавба қилади, бундан кейин гуноҳ қилмасликка ва бунинг учун риёзат ва мужоҳада

¹¹⁵ Қаранг: Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 69.

килишга сўз беради. Бирор кишининг шайхга боғланишига “интисоб”, “иноба”, “байъат” ёки “қўл бериш” дейилади. Шайхларда ва муридларда бўлиши талаб этиладиган баъзи хусусиятлар ва амал қилиш керак бўлган хусуслар бор бўлиб, булар тариқатдаги “одоб” китобларида кенг ёритилган. Қуйида тариқат шайхларининг суҳбатларида мурид амал қилиши лозим бўлган зоҳирий одоблар “Машойихи тариқат қоддасаллоҳу таоло арвахҳум суҳбатларининг одоби зоҳирлари баёни” фаслида қуйидаги мазмундаги фоидалр келтирилган:

- муршиднинг суҳбатларида мурид тавозе билан қуйироқ жойда ўтиради. Аммо, муршид юқориноқ жойга ўтирсин деса, ўша ерда ўтиради. Ўтирганда худди намозда ўтиргандек ўтиради ва беҳуда ҳаракат қилмайди;
- пирнинг мажлисларида айтилган буйруқ ва қайтариқларни жону дили билан қабул қилиб амал қилади;
- муршиднинг сўзларини диққат билан эшитиб, уларни хотирасида сақлаб, уларга амал қилади;
- агар муршид ўзларидин қолган таом ё шаробни берсалар, унга ҳеч кимни шерик қилмасдан ўзи танҳо тановул қилади;
- муршидга бирор гап айтмоқчи бўлса, муршиднинг бунга вақтлари бор-йўқлигини аниқлаб, лозим топса, сўнг сўзламоқчи бўлган сўзларини оҳиста ва мулойим сўзлар билан сўзлайди;
- муршиднинг хизмат ва суҳбатларида хомушликни (сукунатни) одат қилади. Агар шайх бирор жойга бормоқчи бўлсалар, қаерга кетаётганларини сўрамайди. Шунингдек, барча ишларда сукунатни одат қилади;
- барча дунёвий ва диний ишларда ихтиёрини шайхга топширади, хатто еб ичишда ҳам;
- шайхдан маслаҳат сўрамасдан ҳеч бир иш қилмайди;
- агар шайх муридан маслаҳат, фикр сўраса, мурид ўз фикр, мулоҳазасини тез айтмасдан, ўзлари биладилар, деб жавоб беради. Агар кўп муболаға қилсалар, ундан сўнг ожизлик ва камтарлик билан ўз фикрини билдирса, одобга зид бўлмайди;

– шайхнинг хилватхоналарига рухсатсиз кирмайди, агар шайхнинг хилватхоналарига кирса, шайхнинг доимий ўтирадиган жойларига ўтирмайди ҳамда шайхнинг кийимларини киймайди;

– шайх билан хамроҳ бўлиб бир хонада ухламайди. Агар шайхнинг ўзлари сўрасалар, унда мумкин, лекин ухлаганда жуда сезгир ухлайди;

– шайхга мутойиба ва мазаҳ қилмайди ва шайхнинг ҳузурида ҳам ўзга кишиларни мазаҳ ва мутойиба қилмайди, балки умуман гапирмоқликдан ўзини тийиб туради;

–шайхнинг ҳузурларида ўз фазлини асло изҳор қилмайди;

– бирор илмда шайхдан таҳқиқ ва тадқиқ талаб қилмайди.

Маълумки, шайх тариқатга кирган ва ўзига интисоб этган мурид учун ҳар бир ҳаракати билан ўрнатилган инсон сифатида намоён бўлади. Шунингдек, шайх мурид учун йўл кўрсатувчи, тарбияловчи ва муаммоларининг ҳал бўлишида ёрдам берувчи киши ҳисобланади. Шунинг учун шайхнинг барча кўрсатма-таъсияларига амал қилмоқ, бутун қалби билан унга боғланмоқ, уни маънавий ота ва устози деб билмоқ лозим. Чунки, мурид шайхига қанчалик қаттиқ боғланса, вуслат йўлида шунчалик тезлашади¹¹⁶. Мазкур боғланишнинг одоблари “Одоб ас-солиҳин” асаридаги “Одоби маънавий баёни” фаслида қуйидагича келтирилади:

– мурид шайхни ўз асрида ягона деб билсин;

– шайхни муридлар аҳволи ва сирларидан хабардор деб билсин;

– мурид шайхнинг эшигининг қўполлик билан кетмайди;

– шайхнинг мажлисларида сокинлик, виқор ва одоб билан ўтирсин.

Чунки қанча вазмин ўтирса суҳбатдан шунча файз олади. Бу эса худди сув коса ичида ҳаракатсиз бўлса, унда нарсанинг акси шунча тиниқ кўринади, агар сув ҳаракатланиб, чайқалиб турса ҳеч нарсани аниқ кўриб бўлмаганига қиёсдир;

– ҳамиша ҳар ишда шайхга юзлансин; Ўрта Осиёлик шайх, муршид, нақшбандийлик тариқати раҳнаомаларидан Ҳожа Аҳрор (1404-1490) қуддиса

¹¹⁶ Турар У. Тасаввуф тарихи. Т.: Истиклол, 1999. – Б. 68.

сирруху бу борада шундай деганлар: *“Муриднинг таважжухи доимо ҳузурда ва зойбатда пирнинг икки қошининг ўртасида бўлгай ва шайхнинг ўзига ҳозир ва муттлиъ англагай”*¹¹⁷.

– пирни вақти тиғиз бўлса, ўзини четга олиб, холироқ вақтда суҳбатларини олишга ҳаракат қилсин;

– шайхнинг сирини халққа ошкор қилмайди, аммо ўзининг сирларини пирга айтади;

– шайхни душманлари билан дўст бўлмасин, ҳамда уларнинг суҳбатларига яқинлашмасин;

– мажлисда шайхнинг юзига кўп қарамасин;

– Шайхнинг ҳузурида тортишмасдан, шайхга юзланиб, сукут ва ифтикор билан ўтирсин;

– сўзларида ва ишларида шайхга тескари, малол келадиган нарсалардан ўзини сақлайди;

– тилида ҳамда дилида шайхнинг қилган ишлари ва айтган сўзларига эътироз қилмасин.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асари матнида одобларни баён этишда Ҳожа Аҳрорнинг сўзлари келтирилганлиги, “Машойихии тариқат суҳбатларининг одоби зоҳирлар баёни” бобидаги одобларини айнан Нақшбандийлик тариқати доирасидаги ахлоқ-одоб қоидалардир деб билиш мумкин. Шу билан бир қаторда мазкур бобнинг учинчи фаслида суҳбат аҳлига тегишли кўрсатмалар баён этилган бўлиб, унда:

– *суҳбатни ҳилватдин ихтиёр қилмоқда тасҳиҳи ният қилгай, яъни бегараз бўлгай;*

– *тоҳорат бирла бўлгай;*

– *либос ва баданни покиза ва муаттар тутгай ва бадбўй нимарсаларни алардин изола қилгай то аҳли суҳбатга нафрати таъб бўлмагай ва тишини ҳам чиркининг ҳам изола қилгай. Ва оғзини ҳам хом пиёз ва саримсоқ ва мунга*

¹¹⁷ Қаранг: Муҳаммад Содик Қошғарий. Одоб ас-солиҳин. – Б. 228.

ўхшаи ислик нимарсалардин покиза тутгай то сабаби кароҳати асҳоб бўлмагай, деб келтирилган. Мазкур қоидаларда мажлисга бораётган инсон ювиниб, ораста кўриниш билан, шахсий гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда, хушбўйликлар билан ифторланиб бориши лозимлиги тарғиб қилгинган. Маълумки, тасаввуфий мажлисларда турли зикрлар амалга оширилади, шундай зикр вақтида солиқнинг одоби асарда қуйидагича белгиланган: *“Зикр вақтларинда асҳоб ҳалқа тутқойлар. Ва агар аҳли суҳбат ўрталарида бир улуг киши бўлса, одоб улки, ўзгалар юзларини ул кишига қилиб ўлтургай. Ва икки киши суҳбат тутсалар, рўбарў ва зону-базону ўлтиргайлар. Ва агар ҳеч киши бўлмаса, юзини қиблага қилиб ўлтургайки, бу сураатда одоб ушбодур”*.

Халқа тарзида ўтирганда толиблар бир-бирларига юзлари билан юзланиб ўтирадилар ҳамда бундай ўтиришда қуйи ва юқорида ўтирган инсонни ўрни ҳам маълум бўлмайди ҳамма бир қаторда ўтиради деб, асар муаллифи томонидан халқа бўлиб ўтиришнинг фойдалари келтирилган. Бундай ўтиришнинг мантикий асосини адиб қуйидагича келтиради: *“Ва яна сураати ҳалқа сураати сифрдулки, андин ҳарфи “ҳо” зоҳир бўлгайки, исми зотдур”*¹¹⁸.

Солиққа мажлисда ўзини тутишга кўрсатма сифатида қуйидаги одоб қоидалари келтирилган. Бунга кўра: *“– Толиби содиққа лозимдулки, газаб келгон вақтда ҳаттал имкон газаб ўтини ўчиргой, магар номашруъ нимарсага; – солиқ ўз ҳол ва мақомидин зиёда баланд сўзлардин сўзламагай; – сўзламак ул вақтда жоиз бўлур солиққаким, тили кўнглига ва кўнгли Ҳақ субҳонаҳу ва таолога мойил бўлгон бўлса. Бас толиби содиқки, ҳануз нигоҳдошти ҳузур ва огоҳий мақомидадур, голиб аҳвол анга сукут ва хомуший авлодур; – суҳбат қилмагай солиқ ул киши бирлаки, кўнгли ани суҳбаатида паришон бўлуб, жамъийати хотир кетодургон бўлса”* дейилган.

Мазкур бобда баён этилган мажлис аҳлининг одобларини бир вақтнинг ўзида тасаввуфий мажлисларда амал қилинадиган ҳамда кундалик йиғилиш, мажлисларда амал қилиниши лозим одоб қоидаларига мутаносиб эканлигини

¹¹⁸ Муҳаммад Содиқ Қошғарий. Одоб ас-солиҳин. – Б. 229.

кўришимиз мумкин. Қуйидаги одоб-ахлоқ қоидалари сўзимизнинг исботи бўла олади:

– “Мажлисда одоб ва ҳурмат бирла ўлтургай ва аҳли суҳбатга ерни кенг қўйгай ва тизини ўзгани тизига қўймагай ва икки кишини ўртасига беризо бориб ўлтурмагай; мутакаббиро на ўлтурмагай, чунончи, чап қўлини орқасидин ерга қўйиб; аҳли суҳбат кирган ва чиққан вақтида ўрнидин тургай; ўзини беодобона сўздин ва феълдин ва ёмон ҳаракатдин ва ноҳамвор саканатдин сақлагай; аҳли суҳбатдин ҳеч хизматни кўз тутмагай ва ҳеч кимга хизмат буюрмагай; ошно ва бегонага суҳбатда юзини очиқ ва тилини сучук тутгайки, бу хизмат макорими ахлоқ ва маҳосини одоб афзалидиндур”. Мазкур қоидаларда таниган ва танимаган инсони билан суҳбатда юзни очиқ тутиш яхши хулқ эканлиги алоҳида таъкидланган. Шунингдек, мажлисда одоб ва ҳурмат билан ўтириш кераклиги, ўтирганда бошқа бировга халиқит бермасдан ҳамда икки кишини ўртасига бориб ўтирмаслик, мутакаббиро на ўтирмаслик, мажлис аҳли кирган ва чиққан вақтда ўрнидан туриш, турли одобсиз сўзлар ва хатти ҳаракатлардан ўзини сақлай билиши каби одоб қоидалари эса инсоннинг юксак ахлоқ ва гўзал одоб эгасилигига далолатдир.

Маълумки, ахлоқий фаолият ахлоқий билимларни эгаллаш, риоя этиш, ҳимоя қилиш, сингдириш каби жараёнларни қамраб олади. Ахлоқий фаолиятда ахлоқий онг намоён бўлади. Сўз ва хатти-ҳаракатлар бирлигида ахлоқий маданият ўзини ёрқин намоён қилади. Жамоат жойларида, хусусан, мажлисларда инсонларнинг одоблилигини белгиловчи мезонлар мавжуд бўлиб, уларга амал қилмаслик инсонни одобсизлиги деб белгиланади. Бу одоб қоидалари қуйидагича маънода “Одоб ас-солиҳин”да баён этилади:

– суҳбатда эснамаслик, агар эсноқ тутса имкон борича уни қайтариш лозим. Қайтариш усули эса юқори тиши билан қуйи лабини тишласа эсноқ қайтади, агар шунда ҳам қайтмаса унда чап қўлини ёки енгини оғзига қўйиб беркитади.

– мажлисда ухламаслик;

– ўзини бошқалардан насабда баланд экани билан ғурурланиб ўтирмаслик;

– бир киши сўзлаётганда уни сўзини бўлиб, сўзламаслик, балки у сўзини тугатгандан сўнг сўзлаш лозим;

– кўп гапирмаслик;

– суҳбатдоши билан овоз кўтариб жанжаллашмаслик;

– ҳамсуҳбатларини мазаҳ қилмаслик;

– ҳеч кимни ғийбат қилмаслик ва ғийбатга қулоқ солмаслик;

– мажлисда икки киши пинҳона пичирлашиб сўзлашмаслик, баъзилар тушунадиган тилда сўзламаслик ҳамда кўз ва қош билан ишорат қилмаслик лозим, каби одоб қоидалари келтирилган. Шунингдек, бундай қоидаларининг баъзилари изоҳлаб ўтилган, масалан, ғийбат сўзи нима маънони билдириши, қандай ўринларда гапирганда сўзлари ғийбат ҳисобланмаслиги, агар кимдир билан жандаллашиб аразлашадиган бўлса узоқ аразлашиб юриш мумкин эмаслиги тўғрисида батафсил тўхталинган.

Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Унда индивид ахлоқий кадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий фазилатларни барқарор этади, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар асосида яшашга ўрганади.

2.3. Оиладаги ахлоқий қоидаларнинг таснифи

Оила инсон учун муқаддас ва улуг даргоҳ. Инсон ана шу даргоҳда ўсади, унади, вояга етади. Оилани фуқаролик жамиятининг, давлатнинг энг муҳим ҳужайраси дейишади. Чунки ҳар бир жамият аъзосининг, бўлажак фуқаронинг тарбияси оиладан бошланади. Оила уч жиҳатни: ўзининг бевосита кўриниши бўлмиш никоҳни; оилавий мулк ва анжомлар ҳамда улар ҳақидаги ғамхўрликни; болалар тарбиясини ўз ичига олади. Оилаларнинг равнақ топишида тарбия бениҳоя катта ўрин тутади. Сир эмаски, ўзбек

оилалари фарзанд тарбиясида доимо “Бола азиз, одоби ундан азиз”, деган нақлни ўзига дастуриламал билиб, фарзандларини ҳамма ҳавас қиладиган ахлоқ-одобли, билимли кишилар қилиб тарбиялашга ғамхўрлик қиладилар. Халқимизнинг қадимдан сақланиб келаётган ва тобора сайқал топиб бораётган урф-одатлари, удумлари-ю, тарбиявий усулларига таянадилар, алломалар, шоир ва ёзувчиларнинг бебаҳо фикр дурдоналарига тинмай мурожаат қиладилар. Шундай манбалардан бири Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асаридир. Унда оиланинг муҳим жиҳати ҳисобланувчи никоҳ, эр ва хотин одоблари баён этилган.

Никоҳ ўз моҳиятига кўра ахлоқий ҳодиса¹¹⁹. Унда эҳтирослар ахлоққа бўйсундирилади. Оддий бирга яшашда эса табиий эҳтиёжни қондириш биринчи ўринда туради, никоҳда у иккинчи даражали мавқе эгаллайди. Асарда уйланмоқчи бўлган киши қуйидагиларга эътибор бериши лозимлиги келтирилади:

– бир кимарса хотун олмоқчи бўлса, солиҳ хотунни олғай. Ва яна бикр бўлғой ва яна тўрт нимарсада хотун эрдин паст бўлғой ва тўрт нимарсада эрдин баланд. Умрда ва қоматда ва молда ва насабда паст бўлғой, аммо жамолда ва ҳусну хулқда одобда ва иффатда баланд бўлғой.

– улки, олти турлик хотунни олмағай, аввал ақима, яъни бача тугмайдургон. Иккинчи – ҳаннона, яъни сўнги эрини молини барбод бергучи бўлса, илгари эрини фарзандларига ва ўз хешларига. Учунчи – манона, яъни миннат қилгучи хотун ўз мулк ва жсоҳ ва насаби бирла эрига ҳамиша. Тўртунчи – аннона, яъни нола ва фарёд қилгучи хотун илгари эридин кўргон роҳатларининг фавтига. Бешинчи – кайт ал-қафо, яъни ул хотуники анинг нопоклик ва ямон сийрати жаҳтидин ҳар ким анинг ва эрининг орқасидин сўзлагучи бўлсалар. Олтинчи – хазро ад-диман, яъни хотуники, зоҳирда тар ва тоза ва хуш манзарадур, аммо асли нопок бўлса, андоғ хотун голибан бадху ва бадфеъл бўлғой, хазро ад-диман лугатда сабзаеки, тўда тезакни устида чиққонни айтурлар.”

¹¹⁹ Шер А. Ахлоқшунослик. – Т., 2000. – Б. 158.

Оиланинг мустаҳкамлиги ҳар жиҳатдан эр ва хотиннинг бир-бирини тушуниб, ҳамжиҳатликда иш кўришига боғлиқ. Бу борада эр хотинига қандай муомала қилиши кераклиги тўғрисида асарда қуйидагича келтирилади:

– эр хотунга яхши зандгони қилгай ва юзини очик тутғой ва беҳуда ғазаб қилмағойки, мурувват ва футувват муқтазоси ушбудур;

– хотунни жафосига сабр қилғой ва агрчи хотун тундхўйлиқ ва дуруштгўйлиқ қилса ҳам эрининг борисига, рифқ ва мадоро ва ҳикмат ва муроса бирла муомала қилгай;

– камоли ҳусни хулқ ва мулойимати таъб бирла хотунни кўб ҳавойи нафсига тобеъ бўлмагай ва анга гоҳи сиёсат қилгай;

– хотун такаббурчилик қиладурғон бўлса ё эрини тоқати йўқ нимарсага таклиф этса, анинг таъдиб бергай. Таъдиб улдурки, аввал насиҳат қилғой ва агар фоида қилмаса, бир ойгача фирошга ётмагай ва агар муни ҳам бирла одоб тобмаса, ургай ва ҳар вақтки, силоҳга келса, журмини афу қилиб, яна илгаридек шафқат ва марҳамат бирла бўлгай.

Оиланинг равнақи, тинч тотув бўлиши эр билан бир қаторда хотин кишига ҳам боғлиқдир. Бу борада аёл киши нималарга эътибор бериши кераклиги, эрига қандай муносабатда бўлиши лозимлиги мазкур бобнинг иккинчи фаслида “Хотинни эр борасига қиладурғон одоблари” баён этилган. Унда қуйидаги одоблар келтирилади:

“– хотун эридин изнсиз ҳеч жойга бормагай ва ҳеч кимсани уйига келтурмагай ва эрини молини беизн сарф қилмагай.

– уйда ул хизматларики, хотунларга таълуқи бордур, они хотун илтизом қилгай.

– эри шод бўлса шод, ғамгин бўлса ғамгин бўлгай.

– эрни тобқонига қаноат қилгай.

– эрига мувофақатчилик қилгай ва кундошига ҳаққи фирошини бергай, агар эри тиласа.

– эри ўлса, мотам тутгай ва мустаҳабдурки, хотун эри ўлганидин сўнг бошқа эрга етмагайки, қиёматда анинг бирла бўлғойман деса”.

Ўзбек халқи қадимдан меҳмондўстликни улуғлаган. “Меҳмон – отангдай азиз”, “Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан” каби мақоллар, “Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам, меҳр-у дилинг кенг бўлсин” қавлидаги ҳикматларни яратган ва қадимдан мазкур нақлларга кўра эшикдан келган инсонни очиқ юз билан кутиб олиб, иззатини жойига қўйиб, уйдаги энг лазиз таомлар билан меҳмон қилиб, эҳтиром ила кузатиб қўйган. Шунинг учун маданиятимизнинг кўҳна манбаларида меҳмондорчилик инсоннинг, оиланинг ва халқнинг одамийлик, саховат, маданий ва маънавий алоқаси – мулоқоти мезони сифатида жуда катта қадр билан тилга олинган.

“Одоб ас-солиҳин” асарида даставвал, меҳмонга чақириш одоблари берилади, унга кўра, зиёфат уюштирувчи киши меҳмонларни мавқеига қараб, танламай таклиф қилиши, барча дўст ва биродарларига бирдек муносабатда бўлиши керак. Бунинг акси эса меҳмондорчиликдаги энг ёмон ҳислат деб белгиланган. Шунингдек, меҳмондорчиликка таклиф қилаётганда, хонадонда истиқомат қилувчи ҳам ота, ҳам фарзанд биргаликда чақирилмоғи лозимлиги, агар уйда хонадон соҳибларининг яқин қариндоши бўлса, уни ҳам меҳмондорчиликка таклиф қилиш кўрсатмаси келтирилган. Мазкур қоида халқимизнинг меҳмондўстлик одобини инсонийлик, бағрикенглик, олийжаноблик, очиқкўнгилликни намоён қилувчи қадрият сифатида гавдалантиради.

Меҳмондорчиликнинг иккинчи қоидаси сифатида меҳмонга кўп икром ва эҳтиром қилиш кераклиги кўрсатилган. Шу билан бирга, ҳар бир нарсанинг меъёри бўлгани каби, бундай иззат-икромнинг муддати Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадисга мувофиқ, уч кун эканлиги белгиланган¹²⁰. Бу албатта қоида тариқасида айтилган, аммо, воқеъликда халқимиз меҳмонни олий даражада, кун санамай, таом миқдорини ўлчамай ўта саҳийлик билан зиёфат қилади.

¹²⁰ Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ с.а.в.: “Зиёфат уч кун. Ундан кейин садақадир”, – дедилар”. (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Байрут: Дар ибн Касир, 2007. – Б. 588.).

Шунингдек, мазкур қоидадан меҳмон ҳам мезбонни ноқулай ҳолатга солиб қўядиган даражада узоқ турмаслиги, шароитни, вазиятни ҳисобга олиб, меъёрдан ортиқ қолиб кетмаслиги, мезбонга ташаккурлар айтиб, қайтиб кетиши лозимлиги тушунилади.

Маълумки, халқимизда меҳмонга чакираётган хонадон эгалари зиёфат учун катта тайёргарлик кўрадилар, хусусан, уйларни ораста, саришта бўлишига алоҳида эътибор қаратилади, лаззатли таомлар тайёрланади. Анъана тусини олган мазкур ҳолатлар ҳам алоҳида қоидалар асосида ёритилган.

Меҳмонни кутиб олишдан то кузатиб қўйишгача бўлган баъзи қоидалар меҳмон келганда унинг ҳузурига таомни тезда келтириш, меҳмонни дастурхондаги ноз-неъматлардан тановвул қилишга ундаш, имкон қадар турли тансиқ таомларни келтириб қўйиш *“ҳар нимарсаки, уйида ҳозир бўлса, меҳмоннинг олдига қўйгай”*¹²¹ тарзида ифодаланади. Шунингдек, агар мезбон меҳмоннинг очиққанлигини пайқаса, унга кўпроқ таом узатиб, ўзи камроқ ейиши, энг ширин таомларни меҳмонга илиниши, меҳмондорчиликдан сўнг уни унинг дарбозасига қадар кузатиб қўйиши кераклиги уқтирилади. Ушбу қоидалар асарда қуйидагича акс эттирилган: *“Лаззатлик ва латифроқ таомни меҳмонга едургай ва ўзи гайри лазизини егай ва агар таом оз бўлса ва меҳмоннинг очлигини англаса, навъе қилгайки, ўзи кам егай. Таомнинг аксарини меҳмонга едиргай ва меҳмон таомдин фориғ бўлгондин сўнг, агар кетмакчи бўлса, ижозат бергай то эшиккача ҳамроҳ чиқиб узотгай, чунончи келган вақтида олдига чиққондек. Ва меҳмондин жудо бўлгон ҳолатда меҳмонга дуо қилгай”*¹²².

Халқимиз орасида кенг тарқалган “Келиш меҳмондан, кетиш мезбондан” ибораси юқорида келтирилган қоидада ҳам ўз ифодасини топган.

Ҳар бир оилада урф-одатга айланган дастурхон атрофида хонадон аъзоларининг жам бўлиб ўтириш анъанасига кўра, аввал катталар таомга қўл

¹²¹ Муҳаммад Содиқ Кошғарий. Одоб ас-солиҳин. – Т., 1900. – Б. 258.

¹²² Ўша жойда.

узатиб, “бисмиллаҳ” айтадилар ва таомни истеъмол қилишни бошлаб берадилар. Меҳмондорчиликда овқатни бошлашдаги яна бир нозик жиҳат асарда алоҳида бандда келтирилган бўлиб, унда қуйидаги ҳолатга эътибор қаратилган: агар меҳмон етти ёт бегона бўлса, меҳмонни ҳижолат чекишининг олдини олиш мақсадида, хонадон соҳиби аввал таомга қўл узатиб, таом охирисида қўлини тортади. Бордию келган меҳмонлар ўзининг яқин қариндошлари бўладиган бўлса, аввал улар бошлайдилар.

Асарда нафақат инсон ташқи одобининг мезони, балки унинг маънавий юксалишига хизмат қилувчи қоидалар ҳам ёртилган. Жумладан, таомларни исроф бўлишига йўл қўймаслик *“Нон ва ўзга таомни исроф бирла иш тутмагай. Ушотгон нон бўлса яна бир нон ушатмагайки бу ҳам исроф”*, қавлида, меҳмонни ҳадеб овқатга “олинг, олинг” деб ҳижолатга солмаслик *“Меҳмоннинг таомга ҳаддин ошиқ тарғиб қилмагай, балки то уч мартабагача тарғиб қилгай, андин зиёда қилмагай”*¹²³, мазмунидаги қоидалар орқали ҳам айтилади.

Асарда мезбоннинг одоби билан бир қаторда, **меҳмонга чақирилган инсоннинг одоби** ҳам баён қилинади. Меҳмонга чақирилаётган инсон зиёфатнинг тури, дабдаба кўлами, мезбоннинг ижтимоий мавқеига қарамасдан, таклифни бирдек қабул қилиши кераклиги таъкидланади. Таклифни, хаттоки, нафл рўза тутган ҳолатида ҳам қабул қилиши уқтирилади. Никоҳ муносабати билан бўладиган таклифни қабул қилиш эса вожиб даражасига кўтарилади: *“Билгимким, никоҳ учун қилгон таомга чақурсалар баъзи уламолар ижобатни вожиб деб дурлар, баъзи уламо мустаҳаб дерлар ўзга даъватга ўхшаши, бас агар кимса беузри шаръий бормаса гуноҳкор бўлмас ва мухтор ушбу қавлдур”*¹²⁴.

Мазкур қоида Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда ҳам ўз ифодасини топган: Адуллоҳ ибн Умар (р.а.) ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ с.а.в.: “Агар даъват қилинсангиз, унга ижобат қилингизлар!”– дедилар”. Абдуллоҳнинг

¹²³ Муҳаммад Содиқ Кошғарий. Одоб ас-солиҳин. – Т., 1900. – Б. 258.

¹²⁴ Ўша асар. – Б. 259.

ўзлари тўй ва шу кабиларга таклиф қилинсалар, рўзадор бўлсалар ҳам, борар эдилар¹²⁵.

Қоидалар қаторида агар киши меҳмондорчилик ўтказиладиган жойда турли бузғунчи ишлар бўлишини билса ёки уни шундай ишлар билан шуғулланувчилар зиёфатга чақирсалар, меҳмонга боришдан қайтарилади: *“Золим ва фосиқ ва аҳли риё ва аҳли бидъат, агар таомга чақурсалар бормагайки, мустаҳаб ушбудур”*¹²⁶.

“Одоб ас-солиҳин” асарида меҳмон бўлиб кетаётган хонадонга чақирилмаган кишини олиб бориш одобдан эмаслиги, агар шу ҳолат кузатилса, уйга борганда хонадон соҳибидан изн сўраш лозим, деб таъкидланади. Бунга қуйидаги ҳадис мисол бўла олади: Саҳоба Абу Масъуд Бадрийдан шундай ривоят қиладилар: “Бир киши уйида овқат тайёрлаб, Пайғамбарга (с.а.в.): “Ўзингиз билан тўртта ҳамроҳ олиб, беш киши бўлиб бизникига келинг”, деб таклиф қилди. Йўлда уларга бир мискин эргашди. Мезбоннинг эшигига етиб келишганда, Пайғамбар (с.а.в.): “Эй фалончи, бу киши бизга йўлда эргашди. Рухсат берсанг киради, рухсат бермасанг қайтиб кетади”, дедилар. Уй эгаси: “Эй Расулуллоҳ, рухсат бераман, кирсин”, деди”¹²⁷.

“Одоб ас-солиҳин”даги: *“Меҳмон ўзининг жойида андак таом еб боргай, токи меҳмон бўлгон жойда кишилар орасида ҳирс ва шараҳ билан таом емагайки, мазмумдур”*¹²⁸ қоидани қуйидагича шарҳлаш мумкин. Меҳмондорчиликда бошқаларни эътиборини жалб этган ҳолда, ҳаддан зиёд берилиб, иштаҳа билан овқат ейишидан сақланиш учун зиёфатга ўта очикқан ҳолда бормаслиги айтилган.

Шунингдек, меҳмонга борганда мезбон уй эгаси кўрсатган жойга ўтириши, келтирилган таомлардан тановвул қилиши, кўз қирини ҳар ерга ташлаб ўтирмаслиги, хонанинг жиҳозланиши ва таомнинг масаллиқларидан

¹²⁵ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ Бухорий. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. 74-боб. Ж. 2. – Б. 250.

¹²⁶ Муҳаммад Содик Кошғарий. Одоб ас-солиҳин. – Б. 259.

¹²⁷ Бухорий ва Муслим ривоятлари.

¹²⁸ Муҳаммад Содик Кошғарий. Одоб ас-солиҳин. – Б. 259.

камчилик топмаслиги алоҳида таъкидланади: *“Соҳиби хона ҳар жойдаки ўлтурғузса, анда ўлтурғай ва ҳар нимарса келтурса, тановул қилғой ва кўзини ҳар қаёнга қарамоғлиқдин сақлагай ва соҳиби хонага ҳеч ҳукме қилмағай на таом жиҳатдин ва на ўзга жойдин, магар бир-бирлари бирлон илгаридан иттиҳодман бўлсалар, ҳукме қилса бўлур”*.

Меҳмондорчиликдаги одобларнинг яна бири – бу меҳмонлар бир-бирларига ёки ҳайвонларга олдиларидаги таомлардан луқма бермасликлари керак: *“Меҳмонлар бир-бирларига луқма бермағайлар, ит ва пишакни ҳам ҳукми ушбудур”*¹²⁹.

Фаслнинг саккизинчи қоидасида қуйидаги масалалар аск этади: *“Зилла кўтармағай беизни соҳиби таом, анинг учунки, таом емак учун қўйилгандур, на олиб кетмак учундур”*¹³⁰. Яъни, меҳмон берухсат дастурхондаги таомлардан олмаслиги уқтирилади. Шу билан бирга, баъзи тариқат шайхлари, *“агар меҳмон кўб муҳтож киши бўлса, беизни соҳиби таом зилла кўтарса ҳам жойиздур”*¹³¹ деганлар.

Меҳмон уй эгасини дуо қилиши тўқизинчи қоидада *“соҳиби таомни дуойи хайр қилғай суфре кўтаргандин сўнг”*, деб келтирилади.

Фаслнинг якунловчи ўнинчи қоидасида таомдан сўнг кўп гаплашиб ўтирмаслик, берухсат кетмасликка ҳам алоҳида эътибор берилади: *“Таомдин сўнг ижозат тилағай кетмақга ва кўб сўзлашиб ўлтурмағай ва беижозат ва берухсат ҳам кетмағай”*¹³².

Мазкур фаслда баён этилган барча ахлоқ меъёрлари ҳар бир инсонни меҳмонга борганда ноқулай аҳволга тушиб қолишдан сақланиши билан бирга, ахлоқсизлиги, ёмон хулқ-атвори билан атрофидагилардан ажралиб қолмаслиги учун энг асосий мезонлар сифатида келтирилган.

Оилавий ахлоқ-одоб қоидаларидан яна бири бу – **овқатланиш одоби**. Мазкур одоб даставвал оилада шаклланади ва амал қилинади.

¹²⁹ Мухаммад Содиқ Кошғарий. Одоб ас-солиҳин. – Т.: 1900. – Б. 260.

¹³⁰ Мухаммад Содиқ Кошғарий. Одоб ас-солиҳин. – Т.: 1900. – Б. 261.

¹³¹ Ўша жойда.

¹³² Ўша жойда.

Кошғарий овқатланишнинг 30 адабга бўлган. Бунга кўра инсон таомни кам ейиши, ўзи учун энг ширин таомларни ҳозирлаб олмаслиги, балки ҳамроҳига илиниши, кетма-кет қирқ кун гўштсиз овқат емаслиги, овқатни ўтириб, дастурхон устига қўйиб ейиш кераклиги, таомга йиғилганларнинг ёши улуғи қўл узатмагунча қўл узатмаслиги, бошлашда бисмиллаҳ билан бошлаб, ўнг қўли билан ейиши кераклиги, нон ва унинг ушоқларини икром қилиши, нонни икки қўл билан синдириши, қўлини ёғини нонга суртмаслик, таом ейишда тез-тез ва шошилиб емаслик, луқмани ўртача олиб, оғзини катта очмасдан ейишлик, қошиқни идишга қаттиқ урмаслик, имкони бўлса таомни бир ўзи емаслиги, дастурхон еиғштирилмасдан илгари ўрнидан бирор заруратсиз туриб кетмаслиги, овқатланиб бўлгандан сўнг бармоқларни ялаш ва идишни эса тозаламасдан ювмаслик кераклиги, қўлини дастурхонга артмаслик, таомдан аввал ва кейин қўлни ювишлик, таомдан сўнг ҳамд айтиш ва соҳиби таомни дуо қилиш, дуони эса йиғилганларнинг ёши улуғи қилиши бошқалар эса омин деб туриши лозимлиги келтирилган.

Маълумки, Шарқда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилада боланинг тарбияси-одобига қадимдан жиддий аҳамият берилган. Улар турли насихатнома, панднома жанридаги манбалар орқали етиб келган. Шундай асарлардан бири “Одоб ас-солиҳин” асарида баён этилган мисоллар фикримиз исботидир.

Боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

- “Одоб ас-солиҳин” матнида жами 9 та Қуръон ояти ва 17 ҳадис келтирилган бўлиб, ундаги қоидалар аксарияти саҳиҳ ҳадисларга асосланади.
- Диссертация доирасида асар матнида келтирилган ҳадислардан ташқари Имом Бухорий, Имом Термизий ҳамда Имом Муслим ривоят қилган 40 та ҳадис далил сифатида қоидаларнинг асоси деб айтиш мумкин.
- Олим “Одоб ас-солиҳин”нинг муайян ахлоқий қоидаларни ишлаб чиқишда ислом оламининг мўътабар китобларига мурожаат этган. Булар: “Ихё улум ад-дин”, “Ширатул ислом”, “Сирот ал-мустақим” ҳамда “Наводир ал-усул”дир.

ХУЛОСА

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда мутафаккир аждодларнинг ахлоқ-одоб масалаларига доир нодир асарлари тадқиқ этилиб, уларда ифодаланган теран ахлоқий ғоялар ижтимоий ҳаётга ҳам кириб бормокда. Бу, албатта, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук ва баркамол авлодни тарбиялашдек стратегик мақсадга эришишда алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз¹³³.

Ахлоқшуносликнинг диншунослик билан бевосита алоқадор бўлиб, ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо – ахлоқий мезон муаммосини хал этишга қаратилган. Чунки умумжаҳон динлари вужудга келгунига қадар мавжуд бўлган маълум урф-одатлар ва қадриятлар муайян диний қонун-қоидаларга, муқаддас диний китобларга катта таъсир кўрсатган. Айни пайтда, динлар ҳам ахлоққа ана шундай таъсир ўтказганлар. Чунончи, ислом динини оладиган бўлсак, Қурони карим, Ҳадиси шариф, Ижмо ва муайян фатволардаги мезонлар ҳамда талаблар мусулмон Шарқи миллатлари ахлоқий даражасининг шаклланишида катта аҳамият касб этган. Шунингдек, комил инсон муаммоси ҳар иккала фан учун умумий ҳисобланади. Фарқ шундаки, ахлоқшунослик бу муаммога замонавий тарбия нуқтаи назаридан ёндошади.

XVIII аср охири - XIX аср бошларида яшаб ижод этган буюк мутафаккир олим Муҳаммад Содик Қошғарий қарашларида ахлоқ ва одоб инсонийликнинг бош мезони сифатида талқин этилади. Унинг “Одоб ас-солиҳин” асари ислом дини мўътабар манбаларидан фойдаланган ҳолда жамланган. Шу билан бир қаторда илоҳийлик мартабасига лойиқ бўлиш учун инсон ўз ахлоқини доимо тузатиб бориши зарурлиги ҳақидаги ғоя

¹³³ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. – Б. 6.

мутафаккир қарашларининг марказий тамойилларидан биридир. Зеро, у туфайли инсон бахт, омад ва икки дунё саодатига эришади.

Диний-ахлоқий билимлар, инсонга хос ижобий фазилатлар миллатнинг маънавий қиёфасини сақлашга хизмат қилади. Демак, уларни эгаллаш миллий ўзликка амал қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни теран англаш, шахсда ахлоқ мезонларининг камол топтирининг муҳим воситаларидан ҳисобланади. Адолатли фуқаролик жамияти барпо этишда маънавий ахлоқий баркамол авлод мустақиллик таянчи ва тараққиёт омили эканини эътиборга олсак, ахлоқнинг педагогик, психологик ва фалсафий-методологик жиҳатдан амалий ва назарий аҳамияти ортади. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асари ахлоқ, одоб ва ижтимоий фанлар соҳасидаги билимларимизни кенгайтиришга хизмат қилади.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асари – мусулмон кишининг шахсий ва ижтимоий ҳаётида учрайдиган ҳолатларга оид меъёрий қоидалар батафсил баён этилган асардир. Амалга оширилиши зарур бўлган ёки истисно қилинадиган хатти-ҳаракатлар мажмуи ҳисобланган меъёрий қоида содда ва тартибли берилганлиги сабабли асар - “Шарқона ахлоқ кодекси” деб номланган. Унда ижтимоий муносабатларнинг маълум бир соҳасини тартибга солувчи, ўзаро узвий алоқадор бўлган таркибий қисмлари - боблар, бўлимлари тизимлаштирилган ҳолда бўлиб, ахлоқ нормаларининг мукамаллиги, сайқал топганлиги, барқарорлиги билан фарқ қилади.

“Одоб ас-солиҳин” матнида жами 9 та Қуръон ояти ва 17 ҳадис келтирилган бўлиб, ундаги қоидалар аксарияти саҳиҳ ҳадисларга асосланади. Диссертация доирасида асар матнида келтирилган ҳадислардан ташқари Имом Бухорий, Имом Термизий ҳамда Имом Муслим ривоят қилган 40 та ҳадис далил сифатида қоидаларнинг асоси деб айтиш мумкин. Олим “Одоб ас-солиҳин”нинг муайян ахлоқий қоидаларни ишлаб чиқишда ислом оламининг мўътабар китобларига мурожаат этган. Булар: “Ихё улум ад-дин”, “Ширатул ислом”, “Сирот ал-мустақим” ҳамда “Наводир ал-усул”дир.

Муҳаммад Содик Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асари матнида одобларни баён этишда Ҳожа Аҳрорнинг сўзлари келтирилганлиги, “Машойихи тариқат суҳбатларининг одоби зохирлар баёни” бобидаги одобларини айнан Нақшбандийлик тариқати доирасидаги ахлоқ-одоб қоидалардир.

Асарда оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда эр ва хотиннинг бири-бирини тушуниб, ҳамжихатликда иш кўришига боғлиқлиги аниқ баён этилган. Оиланинг равнақи, тинч тотув бўлишида эркак кишининг масъулияти, одоби ҳақида алоҳида тўхталинган, шу билан бир қаторда хотин кишининг ахлоқига ҳам эътибор берилган.

Қошғарийнинг ахлоқшуносликка оид асари Шарқ, хусусан, мусулмон дунёсида ўчмас из қолдирди. Қошғарий асарларида ўз аксини топган ахлоққа оид фикрдан замонавий ахлоқшунослик назарияси асосларини янада мустаҳкамлашда самарали фойдаланиш, бугунги кунда мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг пировард мақсадга тўлиқ мос келади. Зеро, қадимдан долзарб ҳисобланган комил инсонни тарбиялаш масаласи Қошғарий ижодида муҳим ўрин эгаллаган. Аллома комилликка эришиш йўллариини инсон онги ва ақли ёрдамида эгаллаб бўладиган билимлар тизими сифатида талқин этди.

“Одоб ас-солиҳин”да акс этган ахлоқ-одобга оид қоидалар бугунги кунда ҳам муҳимдир. Чунончи, ахлоқ инсон маънавиятининг энг қадимий элементларидан биридир. Ахлоқ, ахлоқий нормаларнинг пайдо бўлиши аста секин шаклланиб, тараққий этиши инсонда инсонийликнинг шаклланиши учун замин яратади. Алоҳида олинган киши фаолиятини, жамоа, жамият манфаатларини тан олишга, унга бўйсиндиришга бўлган ижтимоий эҳтиёж туфайли вужудга келган ахлоқ ижтимоий муносабатларида нисбий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Ҳозирда ҳам мавжуд ахлоқий нормаларнинг ўзлаштирилиши инсон ижтимоийлашувининг муҳим белгиси ҳисобланади.

Қошғарий ўз асарларида ахлоқий маданиятни шакллантиришга алоҳида урғу беради. Асар ўзида ахлоқий қоидалар, тамойиллар, қадриятлар ҳақидаги тасаввурларни, яъни ахлоқий онгни, уларни рўёбга чиқариш, сингдириш, ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолият ва муносабатларни қамраб олади. Зеро, ахлоқий муносабатлар ахлоқий фаолият жараёнида кишилар ўртасида таркиб топадиган ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликни ифодалайди. Бунда, инсоннинг жамиятга, бошқа кишиларга ва ўз-ўзига муносабати унинг ахлоқининг индикатори сифатида чиқади. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, аجدодларимиз илмий меросида ахлоқшунослик масалаларини ёритилишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 255 б.
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
3. Каримов И. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
4. Каримов И. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 158 б.
5. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 479 б.
6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 292 б.
7. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

II. Манбалар

8. Муҳаммад Содик Қошғарий. Зубдат ал-масоил ва Одоб ас-солиҳин. – Т.: 1889. – 287 б.
9. Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 624 б.
10. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Байрут: Дар ибн Касир, 2007. – 1011 б.
11. Имом Ҳофиз Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим Ал-Муборакфурий. Тухфат ал-Аҳфазий. – Қоҳира: Дар ал-ҳадис, 2001. Ж 5. – 610 б.
12. Имом Абу Ҳусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Найсабурий. Саҳиҳ Муслим. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1998. Ж 3. – 471 б.

III. Адабиётлар:

Ўзбек тилида

13. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. Ж 1. – 712 б.
14. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. Ж 2. – 624 б.
15. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн ал-Ғаззолий. Ихё улум ад-дин.– Т.: Мовароуннаҳр, 2003. Т. 1. – 231 б.
16. Алиқулов Ҳ. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. – Т.: Фан, 1979. – 48 б.
17. Аҳмад Муҳаммад. Дуога қўл очинг. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – 139 б.
18. Ахмедов Б.А., Кутлуков М.К. К выходу в свет “Хроники” шах Махмуда Чураса // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1978. №1. – 60-65 б.
19. Йўлдошева С. Халқ урф-одатлари ва анъаналари. –Т.: Ижод дунёси, 2003. – 208 б.
20. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т.: Ўзбекистон, 1980. – 248 б.
21. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 450 б.
22. Кошифий, Ҳусаин Воиз. Футуватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний / Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: “Мовароуннаҳр”–“Ўзбекистон”, 2009. – 448 б.
23. Нашрга тайёрловчилар: М.Аминов, Ф.Ҳасанов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 376 б.
24. Маърифат – тинчлик асоси / Тузувчи: Д.Раҳимжонов – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2007. – 196 б.
25. Обломуродова Ҳ. Маънавий баркамол инсонни тарбиялаш – замон талаби. Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2011. №1. – 108-109 б.

26. Очилдиев А. Маданият фалсафаси. – Т.: Мухаррир, 2010. – 112 б.
27. Тарбия: ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – 528 б.
28. Тожиев М., Зиёмухаммадов Б. Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиғи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 267 б.
29. Усмонов И. “Наводир ал-Усул” ҳикматлари. – Т.: Фан, 2009. 175 б.
30. Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – 496 б.
31. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – 384 б.
32. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004. – 536 б.
33. Юнусов А. Фарзанд тарбияси, ахлоқ ва оила муносабатлари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2002. – 67 б.
34. Ўтанова У. Баркамол авлод тарбиясида анъанавий маданиятнинг ўрни.
35. Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2011. №1. – 106-107 б.
36. Қутлуқов М. Муҳаммад Содик Кошғарий. – Т.: Ўзбекистон, 1968. – 33 б.
37. Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат: (Рух ҳақиқати) / Нашрга тайёрловчилар: М.М.Андижоний, А.У.Тошкандий. – Т.: Адолат, 2005. – 412 б.
38. Ҳасаний М., Умрзоқ Ў., Содик У. Яхши кишилар одоби. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 48 б.
39. Ҳасанов М., Содиков У. Яхши кишилар одоби // Шарқ юлдузи. Тошкент, 1990. №5. – 90-102 б.
40. Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2005. – 320 б.
41. Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 466 б.

Рус ва бошқа тиллардаги

42. Ахмедова М. Основы философии. – Т.: Мехнат, 2004. – 496 с.
43. Ахмедов Б.А. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. – Т.: Фан, 1988. – 414 с.
44. Ахмедов Б.А. Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XIX вв. – Т.: Фан, 1987. – 180 с.
45. Байбурун А.К., Решетов А.М. Этикет у народов Передней Азии. – М.: Наука, 1988. – 264 с.
46. Бартольд В.В. Работы по истории ислама и арабского халифата. – М.: Наука, 1966. Т. 8. – 784 с.
47. Дмитриева Л.В., Мугинов А.М., Муратов С.Н. Описание тюрских рукописей Института народов Азии. – М.: Наука, 1965. Т. I. – 258 с.
48. Кляшторный С.Г., Колесников А.А., Басханов М.К. Восточный Туркестан глазами европейских путешественников. – Алма-Ата, 1991. – 181 с.
49. Иванов В, Рибокова Н. Этика нима.– Т.: Ўздавнашр, 1964. – 48 б.
50. Лыкошин Н. Кодекс приличий на мусульманском Востоке. – Т.: 1895. – 67 с.
51. Мугинов А.М. Описание уйгурских рукописей института народов Азии. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1962. – 206 с.
52. Саифназаров И., Касымов Б., Мухтаров А. Философия. – Т.: Шарқ, 2002. – 256 с.
53. Стори Ч.А. Персидская литература: Био-библиографический обзор. – М.: Наука, 1972. Т. 3. – 1884 б.
54. Сафаров Р. Правила хорошего тона. – Т.: Правда Востока, 1993. – 128 с.
55. Сайдуллаев И. Мўхаммед-Садық Қашғари // Ұмытылмас есімдер. – Алма-Ата: Қазақстан, 1994. – 224 с.
56. Хасанов К. Чокан Валиханов как уйгуровед. – Алма-Ата, 1963. – 68 с.

57. Қазақстан тарихы туралы түркі деректемелері. Мұхаммед-Садық Қашғари. Тазкирай азизан. – Алма-Ата: Дайк-Пресс, 2006. Т. 4.– 658 с.
58. Юдин В.П. Рецензия. Уйғур классик әдибияти қолъязмилириниң каталоги // Вопросы истории Казахстана и Восточного Туркестана. Т. 15. – Алма-Ата: Издательство Академии наук, 1962. – 207 с.

Интернет сайты

1. <http://kazgazetteri.kz/?p=2740>

ИЛОВАЛАР

1-илова

“ОДОБ АС-СОЛИХИН” АСАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Т/Р	БОБ НОМЛАРИ	ФАСЛ НОМЛАРИ	ҚОИДАЛАР СОНИ
1.	Истиъзон ва салом ва мусофаҳа ва тақбили айдо баёни	Истиъзон, яъни бир киши олдиға қирмоқға изн талаб қилмоқни одоби баёни	5
		Саломнинг адаблари баёни	12
		Мулоқот одоби баёни	6
		Муонақа ва қўл ўпмак адаблари баёни	4
			Жами 27
2.	Ухламак ва йўл юрмак ва отға минмак адаблари баёни	Ухламакнинг баёни	7
		Либос киймак адаблари баёни	7
		Йўл юрмакни одоблари баёни	17
		От минмак одоблари баёни	7
			Жами 38
3.	Аҳли суҳбатнинг одоби ва шаройити баёни	Машойихи тариқат қоддаса-л-лоҳу таола арваҳаҳум суҳбатларининг одоби зоҳирлари баёни	16
		Одоби маънавий баёни	16
		Аҳли суҳбатга лозим нимарсаларни баёни	32
		Баъзи атвор ва аҳвол зикрида	14
			Жами 78
4.	Эру хотун ва ҳаммом одоблари баёни	Эр ва хотуннинг борасиға қиладурғон одоблари баёни	10
		Хотунни эр борасиға қиладурғон одоблари баёни	7
		Эр ва хотун бир-бирлариға қўшилмоқнинг одоби баёни	7
		Ҳамомға қирмоғлиқ одоби баёни	7
			Жами 31
5.	Ийодати мариз ва таъзия ва аҳли мусибатнинг одоблари баёни	Ийодати мариз, яъни касални ҳолини сўрамакни одоблари баёни	7
		Маризнинг ўзига хос одоблари баёни	7
		Аҳли мусибат одоблари баёни	7

		Зиёрати қубур одоблари баёни	7
			Жами 28
6.	Зиёфат, акл ва шўрб, яъни емак ва ичмак одоби баёни	Меҳмондорчиликнинг одоби баёни	10
		Меҳмоннинг соҳиби хонаға қиладурғон адаблари баёни	10
		Емак ва ичмакнинг одоблари баёни	30
		Сув ичмакни одоби баёни	11
			Жами 61
7.	Сафарнинг одоби ва унга мутааллиқ нимарсаларнинг баёни	Сафар қисмлари	5
		Сафарнинг фойдалари	5
		Сафарнинг одоби баёни	29
		Бегона мусофирнинг мужовирға ва мужовирни бегона мусофирға қиладурғон одоби баёни	11
			Жами 50

۲۲۲
 اینک سبب انکاعل قیام اری لازم کیدی تاکه بولاریم طلب سواک
 لاریدن فائده تایید اولوغ لار متدایفه نیکی لاری اولوغ بوسخده
 ضروری اولدو بطریق باطنی نیک صاحب شریعت و ارباب طاعت
 کتب معتبره لاریدن جمع قیلدی شفعه لطافت طلبا لمضا رباب لاری
 انه مسل کل الصعاب فاحل لغفات الاواب و بکتاب کاواب
 الصالحین کت قیولدی ترتیب یرلدی بی باب برله و هسری
 باب فی نه تورت فصل برلته المبداء والیه المعاد باب وال استیذان
 و سلام و مصافحه و قییل ایچی یاسینده و تورت فصل برلصل اول
 استیذان یعنی ریشی اکی تیه کرافت اذن طلب قیامی آوا بی یاسینده
 نه انده میش اوب بار دور اوب اول هر کیم برشی فی اشکاب ارباب
 گرامک ایستاسه اول اول شیک اوزنی کیکانی نیک اترق سیدین
 بیلدور کای اوش بوطریق ده کاشیک آتسه قاتقای یاسر قیقا
 ایچی اکر اوز حق سیه ایشیک اترق سیدین کاسلام سیروب ایتنای سیروب
 ایتنای کیکار کرای هو اذن نیلاک تاوج مرتب بخنده و روبر اذن
 کان مین سونک تورت رکعت نماز و قیام قدری توت قیقا اوچی
 اکر اوی ایکیاسی اوچ مرتبه مین سونک کرشکا اذن سیراسه و اوزی چقاسر
 الصالح قییل غای و اشیکین تیز قاتقای تور توجی اکر اوی اکر اوی
 سور سه کیر کیم بولور سیرجه ایچی یاسینی یا سرنیک قوکی
 یادوسته نلیر دیمای که اشتباه کاسالور شی اکر اوی ایکیاسی اهره
 بولسه و آنی اشکاب الیب برضوی بولسه اذن طلب قیام
 کرشکا ایشیک کایکامانین سونک ایچی فصل سلام نیک ادب لار

۲۸۷

فهرست	سطر	فصل
فهرست آداب الصالحين		
باب اول استيزان سلام و مباحثه و قيل ايدي بيانده	۷	۲۲
ايکنجي باب اول و خلاکات يول يورک و آتته منماک و ب لاري بيانده	۱۶	۲۲
اوچونجي باب اهل صحبت نينک آداب و شرطي بيانده	۱۴	۲۳
تورنوجي باب اير و خاتون و حمام آداب لاري بيانده	۱۷	۲۴
بيشنجي باب عيادت مريض و تغريه و اهل مصيبت نينک آداب لاري بيانده	۷	۲۵
آلتنجي باب ضيافت و اکل و شرب آدابي بيانده	۱۹	۲۵
يئنجي باب سفر نينک آدابي و اسکا متعلق غمره لار نينک بيانده	۱۰	۲۶
خاتمه الكتاب موعظه و روح حيواني و نفس نينک و روح انساني غم قیلا دورغان آداب لاري بيانده	۷	۲۷
تمت الفهرست		